

Бир танишим автовокзалнинг ички ишлар бўлимида ишлайди. Унинг айтишича, автовокзалларда ҳам энди худди аэропортлардагидек одамларни ва юкларни текширишар экан. Шу тўғрими?

6 бет

...Дастлабки пайтларда асосан кўкат ва бодринг маҳсулотларини сотиб олиб, Москва шаҳрига олиб бориб пуллаб келганини, кейинчалик эса товар-молдий бойликларни Москвадаги "хариidorлар" талабига қараб олиб боришини айтиб ўтган.

10 бет

Mustaqillik huquq demakdir

Нисф

1997-йил 27-avgustdan chiqa boshlagan

www.huquq-gazeta.uz

2012-йил 26-iyul, №30 (811)



Ифтихор

Мустақиллик ҳар бир ҳамюртимизнинг ҳаётига янгича мазмун олиб кирди, кенг ҳуқуқ ва эркинлик, ҳурилик, озоликдек буюк неъматларни ҳаёда этди.

Ватан тақдирига дахлдорлик саодати

Истиклол йилларида халқнинг онги, дунёқараши, тафаккури ўзгарди. Бугун одамлар ўз ҳақ-ҳуқуқини, қонунлар моҳиятини, миллий истиклол мафқураси мазмунини жуда яхши тушуниб етдилар. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, муҳтарам Президентимизнинг одилона сиёсати, белгилаб берган дастурий чора-тадбирлари жамиятимизнинг ҳар бир аъзосини, ёшу қарини жипслаштириб, онгу шуурига ватанпарварлик туйғуларини сингдира олди. Зеро, мамлакатни модернизациялаш, жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, Ўзбекистонни дунёнинг энг ривожланган давлатлари қаторига қўшиш мақсадида амалга оширилаётган ислохотлар том маънода инсон манфаатлари, унинг юксак маданиятли турмуш тарзи ва фаровонлигини таъминлашдек улуг мақсадларни кўзлайди. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида аниқ устувор вазифалар белгилаб берилдики, бу ҳуқуқий демократик давлат қуришдек олий мақсадимизни янги босқичга олиб чиқди.

Айни шу долзарб жараёнларнинг асосий йўналиши — юқори иқтисодий ўсиш ва ижтимоий ривожланиш суруятларини таъминлашда прокуратура органлари зиммасига қонунийликни мустаҳкамлашдек залворли масъулият юкланади. Вилоят прокуратураси органлари томонидан жорий йилнинг биринчи ярми мобайнида худудда ижтимоий-сиёсий ва криминал вазиятни барқарорлаштириш мақсадида қонунларнинг ижросини, фуқаролар ҳафсизлигини таъминлаш, жиноятчиликка қарши курашни кучайтириш, унинг олдини олиш борасида қатор ишлар амалга оширилди.

Президентимизнинг "Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури тўғрисида"ги Қарори ижросини тўла таъминлаш мақсадида жорий йилнинг апрель ойида вилоят прокуратураси, ички ишлар бошқармаси, ҳокимлиги, шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояси, саломатлиги, ёшлар тарбияси учун масъул бўлган мутасадди ташкилотлар ва жамоат бирлашмалари раҳбарлари томонидан ўзида Давлат дастуридан келиб чиқувчи вазифаларни мужассамлаган Қўшма кўрсатма имзоланиб, ҳаётга татбиқ этилди.

Мазкур Қўшма кўрсатмада мактаб битирувчиларини касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларга тўлиқ жалб қилиш, қонуний никоҳдан ўтиш бўйича тушунтириш ўтказиш, никоҳланувчиларнинг тиббий кўриги, эрта никоҳларнинг олдини олиш, тўй маросимларини тартибга солиш, оилавий тадбиркорликни ривожлантириш масалалари ўрин олган.

Шунингдек, худудларда прокуратура ташаббуси билан ҳар бир туманда маҳаллий ҳокимларнинг қарорлари асосида маҳаллий бошқарув, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, хотин-қизлар кўмиталари, бандликка кўмаклашувчи марказлар, "Маҳалла", "Нуроний", "Қамолот" ва бошқа бир қатор жамоат ташкилотлари вакилларида иборат "Оилани мустаҳкамлаш" жамоатчилик кенгашлари ташкил этилди. Зеро, оила институтининг мукамал шаклланишида ҳамкорликдаги фаолият муҳим аҳамият касб этади.



[Давоми 4-бетда]

Тадбир

Муҳим ижтимоий лойиҳалар қўллаб-қувватланади

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот хизмати билан Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтларини қўллаб-қувват-лаш Жамоат фонди ҳамкорлигида "Ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳаларни амалга ошириш-нинг муҳим масалалари" мавзусида давра су-ҳбати ва жорий йилда ўтказилган учта грант танловининг якунарига бағишланган бри-финг бўлиб ўтди.



Ўткиржон ДЕҲҚОНОВ,
«Huquq»

Тадбирдан қўзланган мақ-сад, грант лойиҳалари сама-радорлигини ошириш, жой-ларда ижтимоий шериклики янада кучайтириш масалалари ҳамда Олий Мажлис ҳузурида-ги ННТ ва фуқаролик жамия-тининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фон-дининг ярим йиллик ҳисобо-тини кенг жамоатчиликка тақ-дим этишдан иборатдир.

Сир эмаски, бугун жамоат бирлашмалари ва нодавлат но-тижорат ташкилотлари му-ҳим бўлган қарорларни қабул қилиш жараёнида ва аҳамият-га эга ижтимоий-иқтисодий ривожланишга қаратилган дав-лат ва худудий дастурларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда фаол ишти-рок этмоқда.

Ана шу жиҳатларни ино-батга олган ҳолда давлатимиз томонидан ННТни ҳар томон-

лама қўллаб-қувватлаш тизи-ми яратилган. Фуқаролик жа-мияти институтлари томони-дан тақдим этилган турли ижтимоий лойиҳаларни амал-га ошириш мақсадида ўтган 4 йил мобайнида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқа-ролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қув-ватлаш Жамоат фонди томо-нидан 22 млрд. сўмдан ортиқ маблаг ажратилган бўлса, жо-рий йилда бу маблаглар 20 фоизга (6 млрд. сўмга) орт-ган.

Йил бошида Парламент ко-миссияси томонидан 5 та грант танлови ўтказилиши тасдиқ-ланган бўлиб, унга 2,6 млрд. сўм ажратилган. Шунингдек, ўтган давр мобайнида "Мус-таҳкам оила йили" Давлат дас-турида белгиланган вазифалар ижросида ННТ иштирокига

бағишланган 3 та танлов эълон қилиниб, 440 га яқин ННТдан 484 та ижтимоий аҳамиятга эга лойиҳалар келиб тушган.

Мазкур учала танлов нати-жаларига кўра Парламент ко-миссияси томонидан энг яхши ижтимоий аҳамиятга эга бўлган 107 та лойиҳа танлаб олиниб, уларни 1,5 млрд. сўмга молиялаштириш учун ўз қарорини қабул қилган.

Сўзга чиққан Парламент ко-миссияси аъзолари ННТнинг ижтимоий соҳада кўрсатаётган фаолияти ва эришаётган ютуқ-ларини доимо қўллаб-қувват-лаб келишини таъкидладилар. Бундан ташқари, шу кунги ҳу-дудлардан келган танлов го-либларига сертификатлар топ-ширилди.

Талқин

Келажагимиз тақдири

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, инсон ҳуқуқларини кафолатловчи ҳуқуқий ба-зани яратишга алоҳида эътибор қаратилди. Қонун устуворлигини таъминлашнинг кучли механизмлари вужудга келтирилиб, босқичма-босқич мустаҳкамланди ва бугунги кун-га қадар яратилган барча меъёрий ҳужжатлар давр талабига мос равишда янада тако-миллаштирилиб келинмоқда.

Бу борада айниқса, вояга етмаганларнинг ман-фаатлари алоҳида аҳамият касб этди. Президенти-миз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Биз фарзандларимизнинг баркамол рухий дунёси учун, уларнинг маънавий-ахлоқий жиҳатдан етук, жисмонан соғлом бўлиши учун доимо қайғури-шимиз, курашмоғимиз зарур". Шу жиҳатдан, маънавий ва жисмоний баркамол авлодни вояга етказиш масаласи мамлакатимиз учун умуммил-лий миқёсдаги вазифа бўлиб, бу эзгу мақсад йўлидаги ишларни изчил амалга ошириш дав-лат сиёсатининг асосини ташкил этади.

Ўзбекистон Республикаси прокуратура орган-лари томонидан бу борадаги вазифаларни амал-га оширишда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғриси-даги Конвенцияси, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, "Бола ҳуқуқларининг кафолатла-ри тўғрисида"ги, "Вояга етмаганлар ўртасида на-зоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилак-тикаси тўғрисида"ги Қонунлари ва бошқа қонун ҳужжатлари ижросининг таъминланишига ало-ҳида эътибор қаратилиб, жорий йилнинг 1-ярим

йиллиги давомида вояга етмаганлар манфаатла-рини ҳимоя қилиш борасида судларда фуқаро-лик ишлари қўрилишида прокурор ваколатини таъминлаш бўлими томонидан муайян ишлар амалга оширилди. Хусусан, вояга етмаганлар ман-фаатини ҳимоя қилиш билан боғлиқ фуқаролик ишлари юзасидан прокуратура органлари томо-нидан 42 та апелляция, 67 та кассация ва 6 та назорат тартибида жами 115 та ҳамда ўрганиш даврида 67 та, жами 279 та протест келтирилиб, асоссиз суд қарорлари қонунга мувофиқлашти-рилди.

Тахлиллардан кўринишича, айрим ҳолларда вояга етмаганлар манфаатларини бузиш билан боғлиқ ҳолатларга йўл қўйилган. Жумладан, дав-вогар Х.Бозорова судга қилган мурожаатида жа-вобгарлар Р.Тешаева ва Қизилтепа туман ҳоким-лигига нисбатан туман ҳокимининг фарзандлик-ка олиш ҳақидаги қарорини бекор қилишни сўраган.

[Давоми 8-бетда]

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва Қуролли Кучлар қўмондонликлари иштирокида мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилиши ўтказилди. Кенгашда 2012 йилнинг 6 ойи давомида Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида қонунийликни таъминлаш аҳволи, ушбу йўналишдаги ишлар самарадорлигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.

Ишлар белгиланган олинди

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари — Республика Ҳарбий прокуратура, генерал-майор Шўхрат Узаков Юрбошимиз томонидан Қуролли Кучлар олдига қўйилган вазифалар, мавжуд муаммолар, уларни бартараф этиш мақсадида ҳамкорликда амалга оширилиши лозим бўлган чора-тадбирлар, Қуролли Кучларнинг жанговар шайлиги ва мудофаа салоҳиятини юксалтиришга қаратилган саъй-ҳаракатлар, ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оила аъзоларининг ижтимоий муҳофазасини таъминлаш ва бошқа шу каби масалалар юзасидан атрофлича тўхталиб ўтди.

Кенгашда Ўзбекистон Республикаси Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондон Исроҳим Каримовнинг Қуролли Кучларнинг 20 йиллиги муносабати билан Ватан ҳимоячиларига йўлланган байрам табригидан келиб чиқадиган вазифалар ижроси, Қуролли Кучлар ҳарбий қисмларининг сафарбарликка доимий равишда тайёрлиги ва ҳаракатчанлигини, чегараларимизнинг дахлсизлигини, фуқароларимизнинг тинчлигини бузишга қаратилган ҳар қандай уришниш ўз вақтида бартараф этиш қобилиятини таъминлаш, ҳарбий қисм ва бўлинмаларда қурол-яроғ ва жанговар техникаларнинг сақ-

Баҳодир ХУДОЙБЕРДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси бўлим бошлиғи

ланиши ҳамда аскар, сержант ва офицерлар таркибининг хизматини ўташ ва яшаш жойларидаги ижтимоий ва маиший шароитларини изчил ва тизимли равишда яхшилаш, ҳарбий хизматчиларни уй-жой билан таъминлаш, ҳарбий шахарчаларни қуриш ва реконструкция қилиш, уларга энг замонавий талабларга жавоб берадиган қулайликларни яратиш бўйича олиб борилаётган ишларни янада такомиллаштириш масалалари муҳокама этилди.

Қайд этилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Қоровул қўшинлари, МХХ давлат чегараларини ҳимоя қилиш қўмитаси ва Фавқулодда вазиятлар вазирлиги вакиллари сўзга чиқиб, қўшинларда қонунийликни таъминлаш, ҳарбий интизомни мустаҳкамлаш, жиноятчиликнинг олдини олиш ва профилактика ишлари самарадорлигини ошириш бўйича маърузалар қилди.

Мувофиқлаштирувчи кенгашда кун тартибига қўйилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Инсон соғлиғи — қонун ҳимоясида

Юртимизда инсон ҳаёти ва саломатлиги қонун билан қўриқланиб, Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 13-моддасига кўра, инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисобланади.

Музаффар УМАРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаменти катта инспектори

Шу боис мамлакатимизда инсон ҳаёти ва саломатлигини ҳимоя қилишга оид қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ҳамда такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан, фуқароларнинг саломатлигини сақлаш, улар учун соғлом муҳитни вужудга келтириш билан боғлиқ ижтимоий муносабатларни тартибга солувчи ҳуқуқий асослар яратилган. Бунга "Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида"ги ва "Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунларини мисол қилиб келтириш мумкин. Уларда соғлиқни сақлаш корхоналари, муассасалари ва ташкилотлари, шунингдек, жисмоний шахслар лицензияга эга бўлган тақдирдагина тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланиши мумкинлиги, тиббиёт ва фармацевтика фаолиятини амалга ошириш учун лицензиялар бериш тартиби ҳамда шартлари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланиши кўрсатилган.

"Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида"ги Қонунда гайриқонуний равишда тиббиёт ва фармацевтика фаолияти билан шуғулланувчи шахслар

қонунга мувофиқ жавобгар бўлишлари, фуқароларнинг соғлиғига зарар етказилган ҳолларда айбдорлар жабрланганлар кўрган зарар ўрнини қоплашлари шартлиги, гайриқонуний хатти-ҳаракатлардан жабр кўрган фуқароларга тиббий ёрдам кўрсатишга сарфланган маблағлар уларнинг соғлиғига етказилган зарар учун жавобгар бўлган шахслардан ундирилиши, шунингдек, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари қонунга мувофиқ интизомий, маъмурий ёки жиноий жавобгарликдан озод этилмаслиги мустаҳкамланган.

Сўнгги йилларда ноқонуний йўллар билан республикамиз ички бозорларига инсонлар соғлиғи ва ҳаётига хавф соладиган сифатсиз ва истеъмолга яроқсиз дори воситаларининг кириб келиши ва уларнинг "қора бозорларда" сотилиши ҳоллари учрамоқда. Биргина мисол, СВОЖЖДЛҚК Департаменти ходимлари томонидан ўтказилган тезкор тадбирда фуқаролар О.Бободўстов ва А.Абдурахмоновлар Тошкент шаҳрида дори воситаларини дорихона муассасаларидан ташқарида бўлган жойда, махсус рухсатномага эга бўлмайд туриб, "Рено" ва "Генсулин М 30 (30/70) P 054 суспензия для инъекций" дори воситаларини харидорларга 600 минг сўмга сотётганида ушланди ҳамда 24 турдаги жами 1927,8 минг сўмлик сифат сертификати бўлмаган дори воситалари ашёвий далил тариқасида олинди. Уларга суд томонидан қонуний жазо белгиланди.

Профилактика тадбирлари самараси

Республика иқтисодий ривожланишининг негизи ҳисобланган тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, рағбатлантириш, уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва ноқонуний ҳаракатлардан ҳимоя қилишга йўналтирилган қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлаш учун СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан ҳам аниқ чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Ноқонуний фаолият юритаётганларни фош этиш, уларнинг фаолиятига қонуний тус бериб, солиқ тўловчи сифатида давлат рўйхатидан ўтказишга, соғлом рақобат муҳитини янада ривожлантиришга, ҳуқуқий тарғибот ишларини кўпайтиришга, ҳуқуқий маданиятни юксалтиришга жиддий эътибор қаратилган. Энг асосийси, тадбирлар натижасида ҳуқуқий таъсир чораларини қўллаш билан чекланилмасдан, ҳуқуқбузарларнинг қонуний фаолият юритишлари учун йўл-йўриқлар берилмоқда. Қўшимча иш ўринлари ташкил этилиб, тўлақонли тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишларига амалий ёрдам кўрсатишмоқда.

Мисол учун, жорий йилнинг ўтган ойлари давомида маҳалаларда, яшаш жойларида аҳоли билан 172 марта учрашувлар ташкил этилди. Тарғибот ишлари давомида жами 158 та тадбиркорлик субъектларига амалий ёрдам кўрсатилиб, 239 та янги иш ўринлари яратилди. Натижада 152,2

млн. сўмлик қўшимча қиймат ҳисобланишига, ишлаб чиқаришга, хизматлар кўрсатилишига эришилди. Бюджетга 40,7 млн. сўмлик солиқ ва тўловлар ҳисобланди. Шундан 29,2 млн. сўми бюджетга ундирилиши таъминланди.

Хусусан, бошқарма ходимларининг ўтказётган тезкор, тахлиллий тадбирларида солиқдан қочиш, давлат бюджетига зарар етказиш, нақд пул маблағини банкка топширмаслик каби қонунбузилиш ҳолатларини содир этган кимсаларнинг фаолияти фош этилмоқда. Бироқ Департаментнинг Тошкент вилоят бошқармаси томонидан ҳуқуқбузарларни фақатгина жазога тортиш билан чекланилмасдан, балки мавжуд қонунбузилишларнинг олдини олиш, бартараф этиш учун профилактик тадбирларни ўтказиш ишларига алоҳида эътибор қаратилган. Яъни қонунбузилишга чек қўйиш билан бирга, ҳуқуқбузарликни содир этганларга тадбиркорликка оид қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти, солиқ қонунчилиги ҳақида

батафсил тушунчалар берилмоқда.

Профилактика тадбирлари ўз самарасини кўрсатиб, ҳуқуқбузарлар қилмишининг қонунга зид эканлигини тушуниб, тўғри хулоса чиқарган ҳолда дастлабки суриштирув чоғидаёқ ихтиёрий равишда давлат бюджетига етказилган зарарни, банкка топширилмаган нақд пул маблағини тақдим қилишмоқда. Масалан, Департаментнинг Зағиота тумани бўлими ходимлари томонидан яқка тартибдаги тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтган Б.Алимовнинг фаолияти тахлил қилинганди, у 2010 йилдан жорий йилнинг апрель ойигача Солиқ кодексининг тегишли моддаларига зид ҳолда фаолият юритиб келганлиги аниқланди. Тахлилда тадбиркор Б.Алимовнинг фаолияти автомобилда юк ташидан иборат эканлиги, у ўзига тегишли "ISUZU" русумли юк ташуш автомобиласида хизмат кўрсатиш билан бирга яна 3 та юк ташуш автомобилларини ижарага олиб, озғак шартномага асосан ҳайдовчиларни ишга жалб қилиб, юк ташуш хизматини кўрсатиш билан шуғулланганлиги ҳамда Солиқ кодексининг 382-моддасига хилоф равишда фаолият юритганлиги маълум бўлди. Қонунга зид бўлган хатти-ҳаракати билан Б.Алимов

2010 йилдан жорий йилнинг 1-чораги давомида бюджетга жами 40 млн. 500 минг сўмлик ягона солиқ тўловини тўлашдан бўйин товлаганлиги маълум бўлди. Мазкур ҳолат юзасидан ҳуқуқбузарга нисбатан ЖКнинг тегишли моддалари билан жиноят иши қўзғатилди. Б.Алимов билан олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида у ўзининг солиқ қонунчилигини бузганлигини ва қонунга хилоф равишда фаолият юритганлигини тушуниб етди. Қилмишидан тўғри хулоса чиқарган ҳолда дастлабки суриштирув чоғидаёқ давлатга етказган зарарини ихтиёрий равишда тўлади.

Департаментнинг Қўйи Чирчиқ тумани бўлими ходимлари томонидан "Марҳамат Агро Барака" МЧЖнинг фаолияти ўрганилганда, ушбу жамиятнинг мансабдор шахслари 2009-2011 йиллар давомида иссиқхонада етиштирилган помидор маҳсулотларини сотишдан тушган 490 млн. сўм нақд пул маблағларини банк муассасасига топширмасдан, солиқ қонунчилиги талабларини кўпол равишда бузиб, Қўйи Чирчиқ тумани ДСИга белгиланган тартибда бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаб чиқариш ва тўлаш учун зарур бўлган солиқлар тўғрисидаги ҳисоботларини тақдим этмай, бюджетга тўланиши

Гулчехра РАЗЗОКОВА,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Тошкент вилоят бошқармаси Матбуот гуруҳи катта инспектори

лозим бўлган 29 млн. 400 минг сўм миқдоридидаги 6 фоизли ягона солиқларини тўлашдан бўйин товлаб келганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан "Марҳамат Агро Барака" МЧЖ мансабдор шахсларига нисбатан ЖКнинг тегишли моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Ўз навбатида, улар билан олиб борилган профилактик тадбирлар натижасида давлатга етказилган зарар дастлабки суриштирув жараёнидаёқ ихтиёрий равишда тўланиши таъминланди.

Фуқаро Ш.Аҳмедов яқка тартибдаги тадбиркор сифатида рўйхатдан ўтган, бироқ 1197 дона автомашини шиналарини қонунга хилоф равишда сотётганлиги Департаментнинг Олмалик шаҳар бўлими томонидан ўтказилган тезкор тахлиллий ишлар натижасида фош этилди. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилди ва олиб борилган тушунтириш ишлари натижасида Ш.Аҳмедов ҳам ўз хатосини тушуниб етиб, дастлабки суриштирув чоғидаёқ банкка топширилмаган нақд пул маблағини ихтиёрий равишда тақдим қилди.

Ислоҳотлар давом этади

Прокуратура органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигига ислоҳотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари амалга оширилмоқда.

Бунда асосий эътибор, фермер ҳўжаликлари-нинг ҳуқуқларини ҳимоялаш, пахта ва ғалла экиладиган майдонлар мониторингини мунтазам ўтказиш, ер ажратишдаги суиистеъмолчилик, гидротехника, мелиорация иншоотлари ҳамда қишлоқ ҳўжалиги техникисини ишлашда ҳўжасизлик, минерал ўғит ва ёнилғи-мойлаш маҳсулотларини талон-торож қилиш каби ҳўлатларнинг олдини олиш масалаларига қаратилди.

2012 йилнинг 6 ойида қишлоқ ҳўжалиги соҳасидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган 1320 та текшириш ва мониторинглар натижасига кўра 44988 та прокурор назорати ҳўжатлари қўлланилган.

Қонунга зид ҳўжатларни бекор қилиш бўйича 1052 та протест келтирилган. Прокурорларнинг тақдиминома ва қарорлари асосида 11406 нафар шахс интизомий, маъмурий ва моддий жавобгарликка тортилган. 294,8 млн. сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан ихтиёрий ўндирилиб, судларга 24,5 млрд. сўмлик зарарни ўндириш бўйича 5926 та ариза қиртилган. Шунингдек, жиддий қонунбузишлар юзасидан 437 та жиноят иши қўзғатилган.

Ердан қиллона фойдаланиш, ер ажратишда суиистеъмолчилик ва таниш-билишчиликка йўл қўймаслик борасида олиб борилган назорат тадбирларида 9859 гектардан ортиқ экин майдонларидан ноқонуний ва мақ-

садсиз фойдаланилганлиги, 2,221 гектар ер майдонининг ноқонуний ажратилганлиги аниқланиб, шундан 8,710 гектари заҳира фондига қайтарилди, айбдорларга нисбатан қонуний қоралар қўрилди. Хусусан, маҳаллий ҳўқимликлар томонидан 168 та ҳўлатда 1,712 гектар, фермер ҳўжаликлари раҳбарлари томонидан 160 та ҳўлатда 368 гектар, ММТП раислари томонидан 2 та ҳўлатда 70 гектар, деҳқон ҳўжаликлари томонидан 29 та ҳўлатда 36,9 гектар, қишлоқ ва сув ҳўжалиги бўлими бошликлари томонидан 1 та ҳўлатда 31,4 гектар, "Ергеодез-кадастр" хизмати ходимлари томонидан 1 та ҳўлатда 0,1 гектар ва бошқалар томонидан 19 та ҳўлатда 2,7 гектар экин ерлари ноқонуний равишда ажратиб берилган.

Жорий йилнинг 1-ярмида 32 нафар мансабдор шахслар томонидан 354 гектардан ортиқ ер майдони таниш-билишларига қонунисиз ажратилиб, уларнинг фаолиятига ҳўқимийлик қилиш, ерларни пора эвазига сотиш каби мансаб суиистеъмолчиликларига йўл қўйилганлиги фўш этилди. Шу каби, Данғара, Избоскан, Кўргонтепа, Зафаробод, Тўрақўрган ва Урганч туманларидаги фермер ҳўжаликлари томонидан 48 гектар майдонга экилган чигитни бузиб ташлаб, бошқа турдаги экин экилганлиги оқибатида давлатга 62,2 млн. сўмлик моддий зарар етказилган.

2012 йилнинг 1-ярмида 160 та фермер ҳўжаликлари томонидан ижарага берилган 368 гектар ер майдони, шундан 128 гектар уй-ҳўй қуриш учун ноқонуний равишда фўқароларга сотиб юборилганлиги аниқланиб, 145 гектарининг туман ҳўқимлиги заҳира ер фондига

қайтариллиши таъминланди.

Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари-ни ривожлантириш, уларни қўллаб-қувватлаш ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш прокурорларнинг доимий эътиборида бўлиб, бу жараёнда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш чоралари ҳам қўрилди. Жумладан, прокуратура органлари томонидан 80 та фермер ҳўжалигига рўйхатдан ўтиш ва банкда ҳисоб-рақами очишда, 2,026 млн. сўм кредит, 1,953,3 млн. сўм иш ҳақи, 1,794 млн. сўм нақд пул олишда амалий ёрдам қўрсатилди. Уларга 28,3 млн. сўм кредиторий қарзини тўлашда ва 1,087 млн. сўм дебитор қарзларни ўндиришда, 1,490 гектар ер, 73,853 тонна минерал ўғит, 403 тонна нефть, 217 тона қишлоқ ҳўжалиги техниклари, 40 тонна чигит, 18,2 тонна бугд, 88 қўти ипак қирин, 132 тонна омухта ем маҳсулотларининг қонуний асосда ажратиб берилиши таъминланди.

Сув ресурслари, гидротехника ва мелиорация иншоотларидан фойдаланишда исрофгарчилик ва ҳўжасизлик ҳўлатларининг олдини олишга қаратилган қонунчилик ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида суиистеъмолчилик, бюджет маблағларини мақсадсиз сарфлаш ва талон-торож қилиш ҳўлатлари аниқланди. Жорий йилнинг 1-ярмида ўтказилган текшириш ва мониторингларда Молия вазирлиги ҳўзуридаги Сўғориладиган ерларнинг мелиорация ҳўлатини яхшилаш жамғармасидан ажратилган 1,576 млн. сўмининг мақсадсиз ишлатилганлиги ёки талон-торож қилинганлиги аниқланиб, шундан 778 млн. сўмининг ўндирилиши таъминланди.

Қишлоқ ҳўжалиги маҳсулоти етиштирувчиларни минерал

ўғитлар билан таъминлаш, ўғитларни сақлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш юзасидан ўтказилган мониторинг ва текширишларда 648 тонна минерал ўғитларнинг талон-торож қилинганлиги аниқланган бўлса, ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари ва қишлоқ ҳўжалиги техникларининг сақланиши ҳамда талон-торож қилинишининг олдини олишга қаратилган қонунлар ижроси устидан ўтказилган тадбирлар давомида 268 тонна ёнилғи-мойлаш маҳсулотлари, 120 млн. сўмлик қишлоқ ҳўжалиги техниклари ва эҳтиёт қисмлари талон-торож қилинганлиги маълум бўлди. Масалан, Наманган вилоятидаги "Олтин қимёгар арготехсервис" ММТП мансабдор шахслари 44,9 млн. сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-торож қилишган, Шунингдек, Миришкор туманидаги "У.Юсупов МТП" АЖ мансабдор шахслари 8,9 млн. сўмлик эҳтиёт қисмларни, Иштихон туманидаги "Халқабод" ММТП мансабдор шахслари 8,3 млн. сўмлик эҳтиёт қисмларни талон-торож қилишган. Ушбу ҳўлатлар юзасидан жиноят ишлари қўзғатилиб, айбдор шахсларнинг жавобгарлик масаласи ҳал қилинган.

"Ўзпахтасаноат" уюшмаси тизимида ўтказилган текширишларда биргина ўтган йил ҳосилидан мансабдор ва моддий жавобгар шахслар зиммасидаги 3 млрд. сўмдан ортиқ пахта комашеси ва маҳсулотлар талон-торож қилинганлиги аниқланди.

Жорий йилнинг 1-ярмида 82 тонна минерал ўғит, 104 тонна нефть маҳсулотлари ва 4,8 тонна чигитнинг республика ҳудудидан четга олиб чиқиб кетиш ҳўлатлари аниқланиб, 174 нафар шахс маъмурий жавобгарликка тортилди. Жиддий қонун-

Н.ЖАББОРОВ,
Бош прокуратура бўлими бошлиғи

бузилиши ҳўлатлари юзасидан 2 та жиноят иши қўзғатилди. Бундан ташқари, "Ўзномахсулот" акциядорлик компанияси тизимидаги корхоналарда қўшиб ёзишлар ва бошқа суиистеъмолчиликларга йўл қўйилганлиги оқибатида 6,7 млрд. сўмлик 10,049 тоннадан ортиқ бошқоқли дон маҳсулотлари талон-торож қилинган.

Қатта миқдордаги талон-торожчиликларга асосан Тошкент (6,752 тонна), Андижон (1,484 тонна) ва Жиззах (1,483 тонна) вилоятларида йўл қўйилган. Шунингдек, қишлоқ ҳўжалигида иш ҳақи, кредит ва бошқа мақсадлар учун ажратилган 1,6 млрд. сўмлик маблағларнинг талон-торож қилинганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 156 млн. сўмдан ортиқ зарарнинг айбдорлардан ўндирилиши таъминланди.

Бундан ташқари, қишлоқ ҳўжалиги корхоналарини молиявий қўллаб-қувватлаш учун ажратилган 1,424 млн. сўмлик бюджет маблағларининг мақсадсиз сарфланганлиги аниқланиб, прокуратура органларининг аралашуви билан 287 млн. сўмдан ортиқ зарар айбдорлардан ўндириб олинди.

Чорвачиликка оид қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирларида 305,4 млн. сўмлик 2624 бош чорва моллари талон-торож қилинганлиги ҳўлатлари бўйича 31 та жиноят ишлари қўзғатилди.

Прокуратура органлари томонидан қишлоқ ҳўжалиги соҳасида қонунчиликни таъминлаш бўйича назорат тадбирлари давом эттирилмоқда.

Ҳўқуқий давлатнинг муҳим шартлари

Ўзбекистонда истиқлол йилларида демократик ҳўқуқий давлат барпо этиш йўлида изчил ва тизимли қаламлар қўйилмоқда. Демократик ҳўқуқий давлатнинг муҳим шарти бу қонун устуворлиғидир. Прокуратура органлари фаолиятининг пировард мақсали ҳам шу.

Президентимиз Ислам Каримов таъкидлаганидек, "Зеро, қонунийлик ва ҳуқуқ-тартибот тантана қилмаса, шахсининг ҳуқуқ ва эркинликлари, қаттиқ интизом, ички уюшқоқлик ва масъулият устувор бўлмаса, қонунлар ва анъаналар ҳўрмат қилинмаса, ҳўқуқий давлатни тасаввур этиб бўлмайди".

Судларда ҳўқуқлик низоларининг қўрилишида прокурор иштирокини таъминлаш прокуратура органлари фаолиятининг асосий йўналишларидан бири ҳисобланади.

"Прокуратура тўғрисида"ги Қонуннинг 33-моддасига кўра, фўқароларнинг, корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатлари суд йўли билан самарали ҳимоя қилинишини таъминлаш мақсадида барча инстанция судларида ишлар қўрилатганда прокурор процессуал қонунларда белгиланган тартибда иштирок этади.

Прокурор судда далилларни текширишда иштирок этади, қонуннинг қўлиниши ҳўсуслида фикр билдиради.

Қонуннинг 34,35-моддаларига биноян, суднинг ҳал қилув қарори, ажрими ва қарори қонуний қўчига кирган ҳар қандай ишни прокурор ўз ваколатлари доирасида суддан олиб, қонунийлигини ўрганиш ва ноқонуний қарорга нисбатан протест келтиришга ҳақли.

41-моддага асосан, прокурор фўқаролар, юридик шахслар ва давлатнинг ҳўқуқлари ҳамда қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш учун судда ариза билан мурожаат қилиш ҳўқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг 2004 йил 11 майдаги "Ҳўқуқлик судларида ишлар қўрилишида прокурор иштирокининг самарадорлиги ва

таъсирчанлигини ошириш тўғрисида"ги 23-сонли буйруғида прокуратура органларининг шу соҳадаги асосий вазифаси корхоналар, муассасалар ва ташкилотларнинг, шунингдек, ҳўсусли тadbиркорларнинг ҳуқуқлари ҳамда қонуний манфаатларининг ҳимоясини таъминлаш, қонунийликни мустаҳкамлаш, прокурор иштирокининг самарадорлиги ва таъсирчанлигини оширишдан иборат эканлиги таъкидланган. Шунингдек, ушбу Буйруқ талабларида тadbиркорлик субъектлари, деҳқон ва фермер ҳўжаликларининг манфаатини қўлаб, даъво аризалари киритиш амалиётини янада фаоллаштириш, ҳўқуқлик судларида ишлар қўрилишида прокурор ваколатини малакали таъминлаш, ноқонуний суд қарорларига протест келтириш борасида қўнда белгиланган ваколатлардан фойдаланиш қўрсатилган.

Ушбу қонун ҳўжатларида қўрсатилган вазифаларни бажариш мақсадида прокуратура органлари томонидан 2012 йилнинг 6 ойида шу соҳада бир қатор ишлар амалга оширилди. Хўсусли, 2012 йилнинг 1-ярмида прокурорлар томонидан ҳўқуқлик судларига 64,5 млрд. сўмлик жами 4 991 та даъво аризалари киритилиб, уларнинг 46,2 млрд. сўмлик 4 552 таси қаноатлантирилди. Ҳўқуқлик судларида қўрилган 100 мингдан зиёд ишларнинг 73,7 фоизида прокурор иштироки таъминланди.

Ҳўқуқлик суди қарорларининг юқори инстанцияларда қонунга мувофиқлаштирилишида прокурорларнинг салмоғи юқори. Хўсусли, апелляция инстанциясида жами 1 543 та ишлар қўрилган бўлиб, уларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган. Ушбу инстанцияда 604 та суд ҳўжатлари бекор

қилинган ёки ўзгартирилган бўлиб, уларнинг 569 таси ёки 94,2 фоизи прокурорларнинг протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилган.

Республика Олий ҳўқуқлик судининг кассация инстанциясида жами 802 та ишлар қўрилган бўлиб, уларнинг барчасида прокурор иштироки таъминланган. Мазкур инстанцияда 451 та суд ҳўжатлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган бўлиб, уларнинг 369 таси ёки 81,8 фоизи прокурорларнинг протестига асосан қонунга мувофиқлаштирилган.

Кассация инстанциясида низолар қўрилишида қонунбузилиши, давлат ва жамият манфаатларига зарар етказилганлиги ҳўлатлари ҳам аниқланган. Ушбу инстанцияда иштирок этган прокурорларнинг фикри инобатга олинди, судлар томонидан 18 та ҳўсусли ажримлар қабул қилинган ва тегишли ҳўжатлар прокуратура органларига юборилди.

Улар юзасидан прокуратура ва ҳўқуқни муҳўфаза қилувчи бошқа органлар томонидан текширишлар ўтказилиб, натижасига кўра ЖКнинг тегишли моддалари билан 7 та жиноят ишлари қўзғатилди. Хўсусли, даъвогар "Қўмқўрган дон" МЧЖ тугатиш бошқарувчиси ва жавобгар "Азиз баҳо" МЧЖ ва бошқаларга тегишли ҳўқуқлик иши Олий ҳўқуқлик судининг кассация инстанциясида қўрилди.

Иш қўрилиши жараёнида "Қўмқўрган дон" МЧЖга тегишли бўлган 453 млн. сўмлик 25 турдаги мулклар "Азиз баҳо" МЧЖ томонидан 216 млн. сўмга баҳоланиб, Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий техник жиҳатдан ва молиявий таъминлаш Департаментининг Сўрхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси тизими ходимлари томонидан 2006 йилнинг июнь-август ойларида ноқонуний равишда сотилишига йўл қўйилганлиги аниқланди. Мазкур қўпол қонунбузилиши ҳўлати юзасидан терговолди текшириш ўтказиш учун ҳўсусли ажрим чиқариш ҳақидаги касса-

Ш.МУСТАФОВ,
Бош прокуратура бўлими бошлиғи
ўринбосари

ция инстанциясида иштирок этган прокурорнинг фикри суд томонидан 2012 йил 14 майда қаноатлантирилди.

Хўсусли ажрим юзасидан Сўрхондарё вилоят Қўмқўрган туман прокуратураси томонидан текшириш ўтказилиб, 2012 йил 28 июнда суд ижрочилари Департаменти Сўрхондарё вилоят ҳудудий бошқармаси, суд ижрочилари Қўмқўрган туман бўлими ва бошқа масъул мансабдор шахсларга нисбатан ЖКнинг 205-моддаси 2-қисми "а", "в" бандлари, 209-моддаси 1-қисми билан жиноят иши қўзғатилди.

Жорий йилнинг 6 ойида Олий ҳўқуқлик судининг Раёсатида жами 22 та ишлар назорат тартибиде қўрилган бўлиб, барчаси бўйича қўйи ҳўқуқлик судларининг асоссиз қарорлари бекор қилинган ёки ўзгартирилган. Уларнинг 14 таси ёки 63,6 фоизи Бош прокуратура томонидан келтирилган протестга асосан қонунга мувофиқлаштирилган.

Шу даврда Бош прокуратуранинг иш режасига асосан ҳўқуқлик судларининг кредит ва лизинг шартномаларидан келиб чиққан ҳўқуқий муносабатлар билан боғлиқ ишлар бўйича амалиёт йўганилиб, умумлаштирилган.

Таҳлил натижасига кўра, судларнинг жами 305 та асоссиз қарорларига нисбатан протестлар келтирилди. Протестлар қаноатлантирилиб, тadbиркорлик субъектларидан ортиқча ўндирилган 218 млн. сўм маблағларининг улари қайтариллиши, бюджетга 3,7 млн. сўм давлат божи ҳамда асоссиз равишда ўндирилмаган 163 млн. сўм кредит, 46 млн. сўм лизинг маблағлари кредиторларга ўндирилиши таъминланди.

Кредитнинг мақсадсиз ишлатилганлиги ҳўлати бўйича 1 та жиноят иши қўзғатилди.

Саҳифаларимизда Бухоро вилояти



/Давоми.
Бошланғичи 1-бетда/

"Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"нинг мантқий давоми бўлган "Мустаҳкам оила йили"да ҳам ўрта мулкдорлар синфи вакиллари ва кенг жамоатчилик ўртасида соҳага оид Президент Фармонлари ва қарорларининг моҳиятини тушунтириш, тадбиркорларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлаш борасида кенг кўламли фаолият олиб борилди. Вилоят прокуратураси органлари томонидан ўтказилган 170 дан ортиқ учрашувда 9 минг 500 нафарга яқин тадбиркорларнинг иштироки таъминланиб, уларнинг 1523 нафарига ҳуқуқий маслаҳатлар берилди. 309 нафарининг руҳсатнома бериш ёки бошқа ҳужжатларни расмийлаштириш каби масалалари ҳал қилиниб, 68 нафарига бошқача тарздаги амалий ёрдамлар кўрсатилди. "007" рақамли ишонч телефонларига келиб тушган 183 та мурожаат ҳал қилиниб, ўзининг қонуний ечимини топди.

Жумладан, Когон шахридаги "Когонстройтранссервис" МЧЖ раҳбари М.Ибрагимовнинг "Махсуснефтьгазкурилиш" унитар корхонаси томонидан қарз пуллари тўланмаётганлиги тўғрисида ишонч телефони орқали билдирилган мурожаати вилоят прокуратураси томонидан ўрганилиб, натижаси бўйича муаллиф фойдасига "Махсуснефтьгазкурилиш" унитар корхонасидан 98 млн. 999 минг сўмлик қарзни ундириш тўғрисида вилоят ҳўжалик судига даъво аризаси киритилиб, ариза қаноатлантирилди.

Хусусий сектор вакилларида давлат томонидан яратилаётган шарт-шароитлар, берилаётган имтиёزلардан мақсад улар фаолиятини эркинлаштириш, ишлаб чиқариш кўламини кенгайтириш, пировардиде халқ турмуш фаровонлигини ошириб, мамлакатда иқтисодий барқарорлиқни таъминлашдан иборат. Бироқ, давр талаби, қонунлар моҳиятини англамаган ёки билиб туриб, шахсий манфаатини умумманфаатидан устун қўяётган айрим раҳбарларнинг борлиги ачинарли ҳолдир.

Бухоро шахрининг собиқ ҳокими Х.Камилов ҳам Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил

25 майдаги "Тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун юридик ва жисмоний шахсларга танлов асосида ер участкалари беришни такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги 147-сонли Қарори талабларига зид равишда, зиммасига юклатилган жавобгарлик масъулиятини унутди. Оқибатда 2011 йил ноябрдан 2012 йилнинг апрелига қадар 46 та танлов ғолиби билан 533 млн. 961 минг сўмлик танлов мажбуриятларини бажариш тўғрисида шартномалар тузмай, шунингдек, танлов ғолиблари билан тузилган шартномалар бўйича 91 млн. 681 минг сўмлик тўловларни шартномада белгиланган муддатларда ундириш чораларини кўрмаган. Оқибатда давлат манфаатларига 625 млн. 643 минг сўмлик миқдорда зарар етказилишига йўл қўйган.

Ушбу ҳолат юзасидан вилоят прокуратураси томонидан жиноят иши қўзғатилиб, ўтказилган дастлабки тергов жараёнида Х.Камилов, шахар ҳокимининг капитал курилиш, коммуналхўжалик, ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари вазифасида ишлаган У.Бозоров, уй-жойларни ҳисобга олиш ва нотурар жойлардан фойдаланиш давлат корхонаси бошлиғи А.Ражабов ва мазкур корхонанинг хусусийлаштириш бўлими бошлиғи И.Сатторовлар ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-торож қилиш, ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш, ҳокимият ҳаракатсизлиги, пора олиш каби жиноятларни содир этганликда айбли, деб топилди, уларга нисбатан юриш-муомала қилиш тўғрисида қарар чиқарилишига йўл қўйилди.

қўриб чиқиш учун суд муҳокама-масига юборилди.

Бухороликлар азалдан бунёдкорлиги, интилувчанлиги, илмий салоҳияти, асосийси, меҳнатсеварлиги билан машҳур бўлиб келган. Айниқса, ўта оғир табиий иқлим шароитида қишлоқ ҳўжалиги тизимида амалга оширилаётган ислохотлар самараси салмоқли бўлмоқда. Бу ўринда Президентимизнинг 2011 йил 27 сентябрдаги "2012 йил ҳосили учун қўзғи бошқоқ дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида"ги, 2012 йил 2 майдаги "2012 йил бошқоқ дон экинлари ҳосилини йиғиштириб олиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарорлари ижросининг таъминланиши устидан прокуратура органлари томонидан ўрнатилган назорат тадбирлари муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилди.

2012 йил ғалла ҳосили учун 65600 гектар майдонга бошқоқ дон экилиб, давлат эҳтиёжлари учун 156 036 тонна дон етказиб берилиб, шартномавий режа республикада биринчилар қаторида 102,9 фоизга бажарилди.

Бироқ, қонун талаби унутилган ҳар қандай ҳолатнинг қонун доирасида баҳоланиш таъминли ҳам бор.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 11 мартдаги "Қишлоқ ҳўжалигида ислохотларни амалга оширишга қаратилган қонунлар ижросини таъ-

минлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони ижроси юзасидан бир қатор назорат тадбирлари ўтказилиб, аниқланган қонунбузилишлари бартараф қилинди.

Ушбу жараёнда асосий эътибор ер ажратишда қонунларга риоя қилиш, ер майдонларидан оқилона фойдаланиш, сув ресурсларининг исрофи, минерал ўғитлар ва ёқилғи-мойлаш маҳсулотлари талон-торож қилинишининг олдини олиш, шартномалар тузилиши ва ижро қилинишида қонунбузилиш ҳолатларига йўл қўймаслик ва бошқа муҳим вазифалар ижросига қаратилди.

Хусусан, Ер тўғрисидаги қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари давомида 52 ҳолатда ер майдонларининг ўзбошимчалик билан эгалланганлиги, 58 ҳолатда ер майдонларидан мақсадсиз фойдаланилганлиги, 34 ҳолатда ер майдонларидан ноқонуний курилишлар қилинганлиги аниқланди.

Жумладан, Ғиждувон туман прокуратураси томонидан ердан фойдаланиш тартибини белгилувчи қонунлар ижроси юзасидан ўтказилган назорат тадбирлари жараёнида тумандаги "Феруз Худойбердиев" номли фермер ҳўжалигининг иш юритувчиси Б.Соттиев ҳўжаликка қарашли, 2012 йил пахта ҳосили учун чигит экиш режалаштирилган 0,5 гектар ер майдонини фуқаролар М.Эгамов, Р.Саъдуллаев, У.Раҳматов ва С.Сатторовларга 5 млн. сўмга ноқонуний равишда сотганлиги ва улар томонидан ушбу ер майдонларидан уй-жой

Баҳодир ДЕХҚОНОВ,
Бухоро вилоят прокурори

қуриш учун баъзи ишлар амалга оширилганлиги аниқланган. Мазкур ҳолат юзасидан Б.Соттиев ва ҳўжалик мансабдор шахсларига нисбатан жиноят иши қўзғатилиб, ҳозирда тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

"Ватанимизнинг келажаги, халқимизнинг эртанги куни, мамлакатимизнинг жаҳон ҳам-жамиятидаги обрў-эътибори, авваламбор, фарзандларимизнинг униб-ўсиб, улғайиб, қандай инсон бўлиб ҳаётга кириб боришига боғлиқдир. Биз бундай ўтқир ҳақиқатни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак". Давлатимиз раҳбарининг ушбу эътирофлари вояга етмаганлар билан ишлаш йўналишида дастуриламал вазифасини ўтайди. Бинобарин, ёшлар нафақат бизнинг келажагимиз, балки улар миллатнинг эртаси, истиқболнинг эгаси ҳамдирлар. Бу борада вилоятда олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар, қилинаётган ишларнинг кўламини тобора кенгаймоқда. Бунда ёшларимизнинг маънан ва жисмонан баркамоллиги учун қишлоқ жойларидан шароит яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Вилоятда амалга оширилган қонунчиликни мустаҳкамлаш, жиноятчиликка қарши курашни қучайтириш, тергов-тезкор фаолиятнинг сифат ва самарадорлигини оширишга қаратилган ҳамкорликдаги тадбирлар натижасида жорий йилнинг ярмида умумий жиноятчилик, вояга етмаганлар томонидан содир этилган жиноятлар, шунингдек, номусга тегиш, ўғирлик жиноятлари, муқаддам судланганлар ва ишламайдиганлар томонидан жиноятлар содир этилиши камайди. Шунингдек, ярим йил давомида прокуратура ва ички ишлар органлари терговчилари томонидан тугалланган жиноят ишларини судлар томонидан қўшимча терговга қайтариш, шахсларни ноқонуний жавобгарликка тортиш ҳолларига йўл қўйилмади.

Ҳозирги кунда замон талабидан келиб чиқиб, ислохотларни чуқурлаштириш, мамлакатни модернизация қилиш йўлидаги ҳаракатларни янада қучайтириш, жадаллаштириш шарт.





Истиқлолнинг
21 йиллиги
олдидан



Муҳим масалалардан бири

Ватан туйғуси ҳар бир комил инсондаги юксак фазилатлар. Тугилиб ўсган юртини, унинг ҳар қарич ерини ардоқлаш, ҳимоя қилиш марралар иши саналади. Ҳарбий хизматни ирода ва маънавият мактаби, дейишлари. Ёшларимизни жисмонан ва маънавий етук қилиб тарбиялаш, улар онгида бурч масъулияти, гуруҳ ва ифтихор туйғусини сингайриб боришда қаққиривга қалар бошланғич ҳарбий таълим катта аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасининг "Ҳумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида"ги Қонуни ижроси аҳолини ўрганиш мақсадида Бухоро шаҳар прокуратураси томонидан вилоят ҳокимлиги ўрта махсус касб-ҳунар коллежларида текшириш ўтказилди.

Шуни алоҳида таъкидлаш кераки, барча ўқув муассасаларида қаққиривга қалар бошланғич таълим фанидан ўқув дастури мавжуд бўлиб, ўқув йили учун иш режалари пухта тайёрланган. Аммо, фани ўқитиш борасида шароитлар етарли эмас.

Масалан, Бухоро автомашина ва йўллар касб-ҳунар коллежида мазкур фани ўқитиш бўйича тақвимий режа коллеж раҳбари томонидан тасдиқланган бўлиб, фани ўқитиш ва ақуллаш, гуруҳ ва секция командирларини тайинлаш ва уч кунлик дала ўқув машғулотлари ўтказиш ва кичик калибрили милтиқдан отиш бўйича буйруқлар чиқарилган. Тиббий хона ва саф тайёргарлиги машғулотларини ўтказиш учун жой мавжуд. Шунингдек, ватанпарварлик тарбияси ва синфдан ташқари ишлар режаси тузилган. "Шункорлар" ҳарбий спорт мусобақалари ўтказиш ҳақида буйруқ ҳам тайёрланган. Аммо, ўқ-дори ва ўқув қуроллари ҳамда кичик калибрили милтиқларни сақлаш учун

махсус хона ажратилмаган, сигнализация ўрнатилмаган. Ягона тўсиқли йўлак, тир отиш жойи йўқ. Жанговар ва шон-шараф музейи бурчаги ташкил этилмаган. Ҳарбий қисм билан ҳамкорлик шартномаси тузилмаган. Ҳарбий спорт мусобақаларига қатнашиш учун ўқувчилар махсус ҳарбий кийимга эга эмас.

Айрим ўқув даргоҳларида посбон мажбуриятларини амалий ўрганиш жойлари йўқ, ўқ-дори, ўқув қуроллари ва кичик калибрили милтиқларни сақлаш учун махсус хона бўлса-да, сигнализация ўрнатилмаган, фуқаро муҳофазаси хонаси ташкил этилмаган.

Бундай камчиликлар айниқса, Бухоро политика касб-ҳунари, Бухоро педагогика, Бухоро санъат коллежлари ҳамда Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти ҳузуридаги 1-сонли академик лицейда аниқланди.

Вилоят ҳокимлиги ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармасининг масъул ходимлари томонидан соҳавий назоратнинг сусайтириб юбо-

Амрулло МАКСУДОВ,
Бухоро шаҳар прокурори
ёрдамчиси

рилганлиги, қонун ижроси бўйича коллежлар ва академик лицейларда текширишлар юзаки ўтказилаётгани ёки умуман ўтказилмаётгани, амалий ёрдам кўрсатмаётгани ана шундай қонунбузилиши ҳолатлари ва камчиликлар содир этилишига сабаб бўлган.

Шаҳар прокуратураси юқорида қайд этилган барча таълим муассасаларининг қаққиривга қалар бошланғич таълим фанини ўқитиш бўйича ҳарбий таълим раҳбарлари ўз зиммаларига юклатилган вазифани лозим даражада бажармаганликлари, оқибатда эса қонунбузарлик ва хизмат интизомсизлигига йўл қўйилгани учун "Прокуратура тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 39-моддасига биноан, уларга нисбатан интизомий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатиши лозим топди.

Мавжуд нўсонларни бартараф этиш, келгусида бундай камчиликларга йўл қўймайлик чора-тадбирларини белгилаш, мазкур соҳага масъул ходимларнинг ўз хизмат вазифаларига масъулиятини ошириш мақсадида ўрта махсус, касб-ҳунар таълим бошқармасига тақдимнома киритилди.

Бугун Ўзбекистонни дунё ҳамжамияти таниди ва тан омоқда. Шунингдек, яна шунини ҳам қувонч билан эътироф этиш жоизки, мамлакатимиз аҳолисининг асосий қисmini ёшлар ташкил этганини боис, ватанимиз янада куч-қудратга тўлиб, яшариб, рагнақ топиб борапти.

«Жаҳон» ёшлар маркази хизматга шай

Бурхон БУРҲОНОВ,
Вобент туман прокурори

Бугун шаҳару кишлоқларимизда ўғил ва қизларимизнинг ўқиб, таълим олишлари, касб-ҳунар ўрганиб, комил инсон бўлиб вояга етишлари учун қулай имкониятлар яратилмоқда. Бухоро вилоятининг Вобент туманида бунёд этилган ёшлар маркази ҳам ана шундай имкониятларнинг бир қўриниши бўлди.

Вобент туман ҳокимлиги ҳамда туман прокуратураси ташаббуси асосида ҳудуддаги тадбиркор-фермер Нейматилло Тоиров ҳомилиги остида барпо этилган ёшлар марказининг мақсади ўғил-қизларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишини таъминлашдир.

"Жаҳон" ёшлар маркази номини олган мазкур даргоҳ замонавий қўринишда бунёд этилган бўлиб, бу ерда мавжуд шароитлар ёшларнинг эҳтиёжига ҳар томонлама мос келади. Замонавий 3D кинозал, компьютерни ўргатиш, қизлар учун тикувчилик, пазандалик ҳунари, йигитлар учун автомобилларга техник хизмат кўрсатишни ўргатиш курслари, гўзаллик салони, турли хил тадбирлар ўтказиладиган тантаналар зали — буларнинг барчаси туманда ёшлар учун хизмат қилади. Миллий миниатюра санъатини ўзида акс эттирган мазкур залларга кирган ҳар бир ўғил-қиз санъатимизга бўлган муҳаббатни қалбдан ҳис этади. Бу ўз ўрнида ёшларимизнинг

ватанимиз тарихига оид билими, дунёқараши, халқимиз санъатига бўлган эътиборини, ҳурматини оширади.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги вояга етмаганлар иши бўйича комиссия ва туман прокуратураси ташаббуси билан мазкур марказнинг очилиш маросими ва рамзий қалит топшириш тадбири бўлиб ўтди. Шунингдек, айни кунларда туман марказида болалар диагностика тиббиёт маркази, сунъий қопламали мини футбол стадиони қурилиши давом этиб, истиқлолнинг 21 йиллиги байрами арафасида фойдаланишга топширилган режалаштирилган.

Шу кунни вилоят прокуратурасининг кўргазмали оммавий семинари ҳам ўтказилди. Вобент туман прокуратураси вояга етмаганларни ижтимоий ҳимоя қилиш услубий хонасида ташкил этилган ушбу семинарда барча шаҳар ва туман прокурорлари, туман-шаҳар ҳокимликлари ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия котиблари, туманлар ИИБлари вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик-ҳуқуқбузарлик профилактикаси гуруҳи ходимлари иштирокида долзарб масалалар таҳлилий тарзда ўрганиб чиқилди.

Тадбиркорга мадад

Тарихий манбалардан аёнки, Гиждувон қадимдан қосибу хунармандлар, ишбилармону тадбиркорлар юрти бўлган. Ўзига хос кичик ташаббусларни катта-катта истиқболли лойиҳаларга асос қилиб олиш, янгилик яратишга иштиёқмандлик, энг асосийси эса, мақсад сари интилиш гиждувонликларнинг ўзига хос фазилатларидан саналади.

"Мустаҳкам оила йили" Давлат дастури талаблари доирасида ҳар бир тадбиркор ўтган "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили"нинг мантаний давомини ўз фаолиятида кўрмоқда. Хусусан, "Оилавий тадбиркорлик тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг қабул қилиниши танти, меҳнатнинг шарофатидан содаот манзилларини кўзлаган ўрта мулкдорлар синфи вакиллари учун қўл келди, десак муболага эмас. "Гиждувон машхура"си мисолида фикримизни давом эттирайлик.

"Гиждувон машхура"си хусусий фирмаси ўзи ишлаб чиқарган кийим-кечак маҳсулотларини ички бозорларда сотиш учун Департаментнинг Гиждувон туман бўлимига хат билан мурожаат қилиб, амалий ёрдам беришни сўраган эди.

Дилмурод АКОБИРОВ,
СВОЖЖДЛҚК Департаментининг Бухоро
вилоят бошқармаси Матбуот хизмати
инспектори

Ўша куннинг ўзидаёқ тадбиркорга амалий ёрдам қўрсатилиб, бозор ҳудудидан савдо дўконлари ажратилди. Шунингдек, "Гиждувон машхура"си хусусий фирмасига ТИФ Миллий банк томонидан бозордаги дўконга савдо терминали ўрнатиб берилди.

Бугунги кунда тадбиркорлик фаолиятини кенгайтириб, эркин ишлаётган мазкур фирма нафақат Бухорода, балки бутун республикада маълум ва машҳур. Гиждувонлик тадбиркорлар эришаётган ютуқларда уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоясини таъминлашдек масъулиятли ишда ҳамкор ҳамда мададкор бўлиш кундалик ишимиш дастуриламалига айланган. Бинобарин, эл-юрт ташвишига елка тутган, Ватан тақдир билан тақдирини болаган, унинг содаотманд манзилларига шаддам интилган ҳар бир юртдошимиз билан мақсадларимиз муштарак экан, албатта, Ўзбекистоннинг келажаги буюк бўлади.

Бухоро вилоят прокуратураси томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Кишлоқ жойларда уй-жой қурилиши қўламини кенгайтиришга онд қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижроси юзасидан мунтазам назорат тадбирлари ўтказилмоқда.

Қишлоқдаги қурилишлар

Комилжон ҲАСАНОВ,
Бухоро вилоят прокуратураси бўлим бошлиғи

Жорий йилда ўтказилган текширишларда, 2011 йилда қурилган уй-жойларнинг айримларига ҳамон сув ва йўл тармоқларининг тортилмаганлиги, сувовқ ишларининг сифатсиз бажарилгани, иситиш тизими, сантехника жиҳозлари, эшик ва деразаларнинг тўлиқ ўрнатилмагани, қозонхона ва айвонларнинг қуриб битказилмаганлиги ҳолатлари аниқланди.

Текширишларда шунингдек, 2012 йилда қурилиши режалаштирилган намунавий уй-жойларни ўз вақтида фойдаланишга топшириш ҳамда инфратузилма объектлари — қишлоқ врачлик пунктлари, гузарлар, савдо шохобчалари қурилишида белгиланган муҳлатлар ва сифат меъёрларига риоя этилишига эътибор қаратилди.

Аниқланган камчиликларни зудлик билан бартараф қилиш мақсадида "Кишлоқ қурилиш инвест" ИИШК вилоят бўлими бошлиғи ва туманлар ҳокимларига тақдимномалар киритилиб, соҳага масъул шахсларнинг 9 нафари

интизомий жавобгарликка тортилган. 10 нафар шахсга нисбатан маъмурий ҳуқуқбузарликка доир, қўпол қонунбузарликлар бўйича 3 та жиноят иши қўзғатилди. Фуқароларнинг манфаатини кўзлаб, фуқаролик ишлари бўйича судларга 238178,3 минг сўмини ундириш тўғрисида 53 та даъво аризаси киритилиб, вилоят прокурори томонидан келгусида бу каби жиддий нўсонларга йўл қўймайлик чораларини кўриш юзасидан вилоят ҳокимига ахборотнома юборилди.

Мазкур ахборотнома жорий йилнинг 20 июль куни Бухоро вилоят ҳокимлигида туманлар ҳокимлари, қурувчи-пудрат корхоналари раҳбарлари, техник назоратчилар, йўл қурилиши сув таъминоти, газ, электр энергияси, инфратузилма объектлари қурилишига масъул бўлган раҳбарлар иштирокида муҳокама қилинди.

Даъвогарнинг хоҳиши бўйича...

Мен турмуш ўртоғим билан саккиз йил бирга яшадим. Лекин ўртада келишмовчиликлар юзага келавергач, икки йилдан бери бирга яшамимиз. Ўртада икки нафар фарзандимиз бор. Бирга яшашдан умид бўлмаганлиги учун ажрашмоқчиман. Мен бошқа туманда яшайман, у эса бошқа туманда турлади. Шунинг учун қайси туман судига ариза беришим керак?

Х.Файзиёва,
Олтиариқ тумани

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2011 йил 20 июли кунги "Судлар томонидан никоҳдан ажратишга оид ишлар бўйича қонуничиликни қўллаш амалиёти тўғрисида"ги Қарори таллабларида белгиланишича, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъволар, қоида тариқасида, жавобгарнинг доимий яшаш жойидаги судга, ФПК 241-моддасида назарда тутилган ҳол-

ларда эса, даъвогарнинг хоҳиши бўйича тақдим этилади. Хусусан, никоҳдан ажратиш тўғрисидаги даъво:

жазо муддатидан қатъи назар, озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган шахс билан (агар иш суднинг судловига тааллуқли бўлса) — мазкур шахсининг судлангунга қадар охириги яшаш жойида;

яшаш жойи номаълум бўлган шахс билан — унинг маълум бўлган охириги яшаш жойида ёки унинг мол-мулки турган жойда, даъвогар вояга етмаган болалари борилиги ёки саломатлиги тўғрисида жавобгарнинг яшаш жойига боришга қўйилган ҳолларда эса — даъвогарнинг яшаш жойида;

Ўзбекистон Республикасида яшаш жойига эга бўлмаган ёки мамлакатдан чиқиб кетган шахс билан — унинг мол-мулки турган жойда ёки Ўзбекистон Республикасида маълум бўлган охириги яшаш жойида тақдим этилиши мумкин.

Пенсия қўшиладими?

Менинг отамга 2011 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ёшга доир пенсия таъинланган эди. Лекин, пенсия таъинлаш вақтида меҳнат дафтарчаси йўқолганлиги сабаби дубликат деб берилган меҳнат дафтарчаси асосида пенсия таъинланди. Шу йилнинг март ойида отамнинг аввалги меҳнат дафтарчаси топилди. Отамнинг эски меҳнат дафтарчаси пенсиясини қўпайтириш учун иш стажига қўшиб олинадими?

У.Аҳмедов,
Қўшабот тумани

Агар топилган меҳнат дафтарчасида таъинланган пенсия миқдорида таъсир кўрсатиши мумкин бўлган иш стажини даврлари мавжуд бўлса, пенсия қайта ҳисоблаб чиқиши мумкин. Бунинг учун пенсияни қайта ҳисоблаш мақсадида пенсионер ана шундай ҳуқуқ пайдо бўлганидан кейин ишталган вақтда шу ҳақдаги ариза билан яшаш жойидаги Пенсия жамғармаси бўлимига мурожаат этиши мумкин.

Пенсияни ошириш ҳуқуқи пайдо бўлганида таъинланган пенсияни қайта ҳисоблаш пенсионер пенсияни қайта ҳисоблаш учун мурожаат этган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Пенсия миқдорини камайтиришга сабаб бўладиган ҳолатлар вужудга келган тақдирда қайта ҳисоблаш ана шу ҳолатлар пайдо бўлган ойдан кейинги ойнинг биринчи кунидан бошлаб амалга оширилади.

Шахсининг аризаси махсус дафтарда рўйхатдан ўтказилади. Пенсия жамғармаси бўлими томонидан ариза берувчига ариза қабул қилинган сана қўрсатилган тилхат, шунингдек, олинган ва етишмайдиган ҳужжатлар рўйхати берилади.

Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш тўғрисидаги ариза Пенсия жамғармаси бўлими томонидан беш кун муддатда қўриб чиқилади.

Пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш рад этилган тақдирда, Пенсия жамғармаси бўлими тегишли қарор чиқарилгандан кейин беш кундан кечикмай рад этиш сабабларини, қабул қилинган қарор юзасидан шикоят қилиш тартибини қўрсатган ҳолда пенсионерга рад этиш тўғрисидаги билидиршомани бериши ёки юбориши ҳамда айна бир вақтда тақдим этилган ҳужжатларни ҳужжатлар олинганлиги тўғрисидаги тилхат билан пенсионернинг қўлига қайтариши шарт.

Иш стажига пенсия таъинлангандан кейин эга бўлган (олинган) иш ҳақи ҳисобга олинган ҳолда пенсия миқдорини қайта ҳисоблаш амалга оширилмайди.

Танишимнинг гапиростми?

Бир танишим автовокзалнинг ички ишлар бўлимида ишлайди. Унинг айтишича, автовокзалларда ҳам энди худди аэропортлардагидек одамларни ва юкларни текширишар экан. Шу тўғрисида?

Ж.Эргашев,
Гулистон шаҳри

Ҳақиқатан ҳам шу йилнинг 20 июнида одамлар ва сиз тилга олган объектларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Республика Адлия вазирлигида "Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги ЙҮРИҚНОМА" рўйхатга олинди. Унга қўра, эндиликда автовокзаллар, автостанциялар ҳудудига кирган йўловчи ва бошқа шахсларнинг қўли юки, бағаж ва унинг ўзи назоратдан ўтказилади. Назоратдан ўтказишда:

автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига кирувчи йўловчилар ва бошқа шахслар назорат пункти орқали ўтадилар, бу ерда уларга мавжуд металл буюмлари, автотранспорт воситаларида қўли юки ва бағаж шаклида ташиш тақиқланган ҳавфли моддалар ва буюмлар, шунингдек ташиш учун берилган ўзга шахсларнинг ашёлари (жуфатмалар, бандероллар, туғунлар, пакетлар ва шу кабилар) тўғрисида маълумот бериш тақиқ этилади;

назоратдан ўтказилаётган шахсга кийимдаги мавжуд металл буюмларни идишга қўйиш ва одамларнинг тўпланиб қолишига йўл қўймай навбати билан тургун металл детектор рамкаси орқали ўтиш тақиқ этилади, металл буюмлар мавжудлиги тўғрисида сигнал тушганда, қўлда ишлатиладиган металл детектор қўлланилади, у бўлмаганда эса шахсий қўздан кечирилади;

ногабарит буюмлар, йўловчилар ва бошқа шахсларнинг қўлидаги устки кийимлар ва ичда нималар борилигини металл детектор билан аниқлаб бўлмайдиган қўли юки ва бағаж қўлда қўздан кечирилади; қидирувдаги шахсларни аниқлаш ва ушлаш мақсадида қўздан кечирилаётганларнинг паспортга оид маълумотлари танлаб текширилади, шунингдек, шубҳали шахслар

шахсан қўздан кечирилади; техник сабабларга қўра тургун металл детектордан фойдаланиш мумкин бўлмаган ҳолатда шахсларни, шунингдек уларнинг қўли юки ва бағажини қўздан кечириш шахсан қўздан кечириб чиқиш йўли билан қўлда ишлатиладиган металл детектор ёрдамида амалга оширилади.

Зарурат бўлганда назоратдан ўтказиш хизмат итларидан фойдаланган ҳолда амалга оширилади.

Юрак фаолиятини рағбатлантирувчи имплантиланган аппаратларга эга бўлган йўловчилар ва бошқа шахслар махсус техник воситалар қўлланилмасдан қўлда ёки шахсан қўздан кечирилади.

Назоратдан ўтказишдан бош тортган шахслар автовокзал ва автостанциялар ҳудудига киришмайдилар.

Бундан ташқари, назоратдан ўтказиш ваколатига эга бўлган шахслар:

назоратдан ўтказиш жараёнида аниқланган йўловчиларнинг автотранспорт воситаларида ташиш тақиқланган қўли юки ва бағаж шаклидаги ҳавфли моддалар ва буюмларни ички ишлар органлари ходимлари томонидан олиб қўйиш баённомаси тузилган ҳолда (нужаси йўловчининг қўлига берилади) белгиланган тартибда олиб қўйиш;

зарурият бўлганда, ноқонуний аравлашиш ҳаракатини ёки бошқа жиноий ҳаракатларни содир этиш ниятидаги шахслар учун характерли бўлган бир қанча ўзини тутиш белгилари бўйича потенциал ҳавфли шахсларни аниқлаш мақсадида назоратдан ўтказилаётганларни психологик сўров ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлигининг ахборот-излаш маълумотлар базалари бўйича шубҳали шахсларни текшириш ва бошқа шу каби ваколатларга эга.

"Ҳар ким фикрлаш, сўз ва эътиқод эркинлиги ҳуқуқига эга.

Ҳар ким ўзи истаган ахборотни излаш, олиш ва уни тарқатиш ҳуқуқига эга, амалдаги конституциявий тузумга қарши қаратилган ахборот ва қонун билан белгиланган бошқа чеклашлар бундан мустасноидир.

Фикр юритиш ва уни инфодалаш эркинлиги фақат давлат сир ва бошқа сирларга тааллуқли бўлган тақдирдагина қонун билан чекланиши мумкин."

(Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 29-моддаси)

Эсдан чиққан ҳужжат

Ҳақиқатан ҳам шу йилнинг 20 июнида одамлар ва сиз тилга олган объектларнинг ҳавфсизлигини таъминлаш мақсадида Республика Адлия вазирлигида "Автовокзаллар ва автостанциялар ҳудудига йўловчилар ва бошқа шахсларни киритиш тартиби тўғрисидаги ЙҮРИҚНОМА" рўйхатга олинди. Унга қўра, эндиликда автовокзаллар, автостанциялар ҳудудига кирган йўловчи ва бошқа шахсларнинг қўли юки, бағаж ва унинг ўзи назоратдан ўтказилади. Назоратдан ўтказишда:

Ш.Ҳазраткулов,
Шайхонтоҳур тумани

Бу каби ҳолатлар "Ўзбекистон Республикасининг 16 ёшга тўлмаган фуқароси гувоҳномасини Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар идоралари томонидан расмийлаштиришга ва бериш тартиби тўғрисидаги ЙҮРИҚНОМА" талаблари билан тартибга солинади. Унга қўра, сизга фарзандингизга бундай гувоҳнома берилганлиги учун фарзандингиз чет элдан қайтиб кел-

гандан сўнг, уни (яъни гувоҳномани) ички ишлар идорасига 5 кун муддат ичида топшириш шарт билан тилхат асосида берилган бўлиши керак. Шу сабабли ана шу қондага амал қиласиз. Чунки, фарзандингизнинг тутилганлиги ҳақидаги гувоҳномаси хориқга чиқиш-келиш ва фуқаролик хизматида гувоҳнома ички ишлар идорасига топширилгунга қадар сақланади.

Тўлов қанча давом этади?

Ўзбекистон Республикасида фуқаро вафот этганидан кейин бериладиган дафн этиш учун маблағ неча ой берилади?

Уй-жой каалстр ҳужжат қилиш учун қайси қонун асосида хизмат ҳақи олинади? Қишлоқ жойларида уй-жой қуриш учун берилган ер участкасига ер солигини тўлашда неча йил имтиёз бор?

Н.Тўланов,
Яккабўғ тумани

"Фуқароларнинг пенсия таъминоти тўғрисида"ги Қонуннинг 63-моддаси талабига қўра, пенсионер вафот этган тақдирда унинг оиласига ёки пенсионернинг дафн маросимини ўтказган шахсга икки ойлик пенсия миқдоридан, лекин энг кам ойлик иш ҳақининг уч баробаридан оз бўлмаган миқдорда бир марталик дафн этиш нафақаси тўланади.

Қўрсатиб ўтилган пуллар уларни олиш учун пенсионер вафот этганидан кейин 6 ой ичида мурожаат этилган тақдирда тўланади.

Республика Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 июндаги "Биноклар ва иншоотлар давлат кадастрини юритиш тартиби тўғрисида"ги Низом талабига қўра, биноклар ва иншоотлар эгаллик ҳуқуқи ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар пайдо бўлганлигини, бошқа шахсга ўтганлигини давлат рўйхатидан ўтказганлиги учун юридик шахслардан энг кам иш ҳақининг ярми, жисмоний шахслардан ўлдан бир қисми миқдоридан тўлов ундирилади. Эгаллик ҳуқуқи ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар субъектини ўзгартирилган ҳолда объектнинг ҳуқуқий ҳолати ўзгарганда қўрсатиб ўтилган суммаларнинг ярми ундирилади.

Давлат мулки бўлган объектлар бўйича давлат кадастрини юритиш ишлари давлат бюджетига тўлов билан давлат таъминланади.

Биноклар ва иншоотларга эгаллик ҳуқуқини ёхуд бошқа ашёвий ҳуқуқлар тўхтатилганлигини ёхуд уларнинг чекланганлигини давлат рўйхатидан ўтказганлиги учун тўлов ундирилмайди.

Бино ёки иншоотнинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома йўқотилган ёки бузилган тақдирда унинг дубликати берилади. Дубликати беришда давлат рўйхатидан ўтказганлиги учун ундирилган сумманинг иккидан бири миқдорда тўлов ундирилади.

Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 290-моддасида белгиланишича, якка тартибдаги уй-жой қурилиши ва деҳқон ҳўжалиги юритиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган нормалар доирасида берилган ер участкалари бўйича — ер участкаси берилган ойдан кейинги ойдан эътиборан икки йил муддатда, қўчириб келтирилган фуқаролар келиб жойлашган ер участкалари бўйича — ер участкалари берилган пайтдан эътиборан беш йилгача ер солигидан озод қилинади.

ҲУРАМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР!

Ўзингизни қизиқтирган ҳуқуққа оид саволларингиз бўлса бизга мурожаат қилинг. Уларга тажрибали ҳуқуқшунослар жавоб беради. Саволларингизга "Huquq" газетасининг «info@huquq-gazeta.uz» электрон почтаси орқали юборишингиз мумкин.

Саволларга ҳуқуқшунос
Дониёр ХАЛИЛОВ
жавоб бери.

Телефон: +99862-226-88-87.

Келажагимиз тақдири

/Давоми.
Бошланиши 1-бетда/

Маълум бўлишича, Р.Тешаева туман ҳокимлиги бўлим мудири У.Қаландаров билан тил бириктириб, невараси М.Муҳиддиновани фарзандликка олганлиги тўғрисида туман ҳокимининг 2005 йил 3 августдаги сохта қарори асосида унинг исм-шарифини "Тешаева Моҳинур Муҳиддин кизи" деб ўзгартириб, туғилганлик ҳақида сохта гувоҳнома олган ва неварасини ИИБ собиқ ходими (марҳум) Муҳиддин Рустамовнинг қарамоғида бўлган, деб вилоят ички ишлар бошқармасидан 2005 йилнинг январидан 2011 йилнинг июль ойига қадар жами 7 млн. 449 минг 600 сўм миқдориди боқувчисини йўқотганлик бўйича тўланадиган нафақа пулларини фибрибгарлик йўли билан қўлга киритган. Мазкур ҳолат юзасидан жиноят иши қўзғатилиб, суд ҳукми билан айбдор шахсларга нисбатан тегишли қонуний чора қўрилган.

Ота-оналик ҳам улуг даражалардан ҳисобланади. Мамлакатимиз қонунларида бу масалага алоҳида ўрин берилган. Хусусан, Оила кодексининг 4-моддасида "...оналик ва оталик иззат-иқромга ҳамда ҳурматга сазовордир. Она ва бола манфаатларини муҳофаза қилиш аёлларнинг меҳнати ва соғлиғини сақлашга доир махсус тадбирлар қўриш, меҳнатни оналик билан боғлаб қўйиб олиб бориш учун аёлларга шaroит яратиш, оналик ва болаликни ҳуқуқий ҳимоя қилиш, моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш йўли билан таъминланади", дейилади. Ана шу жиҳатдан келиб чиқиб, оталикни белгилаш ҳақидаги давволар судда қўриб чиқилаётганда

ғанда Фуқаролик-процессуал кодексининг 10-моддаси ҳамда Республика Олий суди Пленумининг 2011 йил 25 ноябрдаги "Судлар томонидан оталикни белгилашга оид ишларни қўришда қонунчиликнинг қўлланилиши тўғрисида"ги Қарори талабларига мувофиқ, суднинг ёпиқ мажлисида қўрилиши, шунингдек, давво қаноатлантирилганда суднинг ҳал қилув қарорининг хулосасида оталикни белгилаш ҳақидаги ҳолатнинг ФХДЭ органларида қайд этиш учун зарур бўлган маълумотлар (ота-онанинг фамилияси, исм-шарифи, туғилган йили, турар жойи, миллати, иш жойи, бола-нинг фамилияси, исми, туғилиш санаси ва жойи) кўрсатилиши лозим. Бироқ, гоҳида мазкур талабга амал қилинмаётган.

Масалан, фуқаролик ишлари бўйича туманлараро суднинг ҳал қилув қарори билан даввогар З.Мамаджанованинг жавобгар Шухрат Обидовга нисбатан оталикни белгилаш, далолатнома ёзувиги ўзгартириш қиритиш ҳақидаги давво си қаноатлантирилиб, 2011 йилда туғилган Мамаджанова Эъзоза Шухрат кизининг отаси Шухрат Обидов, деб белгиланган. Аммо ФХДЭ бўлимига туғилганлик ҳақидаги далолатнома ёзувиги тегишли ўзгартириш қиритиш мажбурияти юклатилган суд қарориди ҳам хатолликка йўл қўйилган. Яъни, суд қарорининг хулоса қисмида оталиги белгиланган шахсининг фақат исм-фамилияси кўрсатилиб, Пленум қарори талабларини бузган ҳолда, отасининг исми, туғилган йили, ойи, куни ва жойи, миллати, доимий яшаш ва иш

манзили кўрсатилмаганидан ташқари, ишга ҳатто Ш.Обидовнинг шахсини ифодаловчи ҳужжат нусхаси ҳам қўшилмаган.

Бундан ташқари, иш жавобгарнинг иштирокисиз қўриб чиқилган бўлиб, у ишни қўриш вақти ва жойи ҳақида хабардор қилинганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар ҳам ишга қўшилмаган. Шу сабабли, суднинг ҳал қилув қарорига вилоят прокурори томонидан назорат тартибиди протест қиритилиб, вилоят суди раёсатининг қарори билан протест қаноатлантирилди.

Республика Олий суди Пленумининг оталикни белгилашга оид ишларни қўришда қонунчиликни қўллаш тўғрисидаги қарориди "жавобгар оталикни тан олган тақдирда оталик тарафларнинг биргаликдаги аризасига асосан фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органи томонидан амалга оширилиши ва болага туғилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим этилганда суд ФПҚнинг 100-моддаси, 1-қисмига асосан ишни юриштидан тугатиши лозим"лиги кўрсатилган бўлса-да, мазкур талаб бузилган ҳолда ишларнинг қўриб келинаётганлиги ҳолатлари ҳам учрамоқда. Жумладан, фуқаролар Ш.Темирова ва И.Нишоновларнинг олти йиллик турмушларида бир фарзанд туғилган. Лекин И.Нишонов фарзандини тан олмай, моддий таъминлашдан ҳам бош тортади. Шу сабабли Ш.Темирова фарзанди учун ўз номига туғилганлик ҳақида гувоҳнома олишга мажбур бўлади ва жавобгар И.Нишоновга нисбатан оталикни белгилашни, уларга моддий

ёрдам беришдан бош тортиб келаётганлиги учун алимент ундиришни сўраб, судга давво аризаси билан мурожаат қилади.

Суднинг ҳал қилув қарори билан унинг даввоси қаноатлантирилиб, жавобгар И.Нишонов Ш.Темировнинг отаси, деб ва ундан фарзандининг моддий таъминоти учун бола вояга етгунга қадар ҳар ойдаги иш ҳақи ва бошқа даромадларидан тўртдан бир қисми миқдориди алимент ундириш белгиланади. Бироқ... Бироқ, суд ушбу ҳолатда И.Нишонов давво талабларини тўлиқ тан олган бўлса-да, ишни қиритишдан тугатмасдан, Республика Олий суди Пленумининг оталикни белгилашга оид ишларни қўришда қонунчиликни қўллаш тўғрисидаги қарори ва ФПҚнинг 100-моддаси талабларига амал қилмаган ҳолда ҳал қилув қарори чиқарган. Прокуратура органлари томонидан қиритилган протестга асосан, мазкур суд қарори қонун талабига мувофиқлаштирилди.

Албатта, ҳар бир ота-она фарзандини ҳар томонлама бекаму қўст қилиб вояга етказишга тўла жавобгар саналади. Шунингдек, улар болаларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш учун барча чоратадбирларни қўришлари шарт. Ота-она ўз болаларининг қонуний вакиллари ҳисобланиб, бошқа шахслар билан бўлган муносабатларда, шу жумладан, судда алоҳида ва коллатномасиз уларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Ота-она судда алоҳида ва коллатсиз ўз фарзандларининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилади. Аммо ўз фар-

Моҳира КУРБОНОВА,
Бoш прокуратура бўлим
бошлиғи ўринбосари

занди учун қайғурмайдиган ота-оналар ҳам гоҳида учраб турар экан. Жумладан, шу йилнинг ўтган 6 ойи мобайнида Республика прокуратура органлари томонидан вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида 56 млн. 502 минг сўм миқдориди маблағларни ундириш юзасидан фуқаролик судларига 267 та давво аризалари қиритилган. Шунингдек, ота-оналик ҳуқуқларини бажариш ва ўз фарзандларини моддий жиҳатдан таъминлашдан бўйин товлаб келаётган 237 нафар шахсни ота-оналик ҳуқуқидан маҳрум қилиш юзасидан давволар қўзғатилиб, вояга етмаган шахсларнинг манфаатларини таъминлаш борасида тегишли суд қарорлари қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларида ёш авлоднинг ижтимоий шаклланиши ва камол топиши, ҳуқуқий манфаатларини ҳар томонлама қафолатлаш давлат фаолиятининг устувор йўналиши эканлиги белгиланган бўлиши билан, шу муносабат билан бизнинг келажагимиз ҳисобланмиш болаларимизни асрашимиз, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатлари ҳимоясини таъминлашни ҳеч қачон унутмаслигимиз керак. Зеро, Президентимиз таъкидлаганларидек, "...бизнинг қандай ҳаيات қуришимиз ва шу ҳаياتга муносиб баркамол авлодни тарбиялашимизга бориб тақалади". Шундай экан, бу масалага барча бирдек ёндашиши лозим.

Фуқаролик жамияти институтлари тараққиётга хизмат қилади

Мамлакатимизда фуқаролик жамияти институтлари леганда, биринчи гала, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат фонллари, диний ташкилотлар ва мустақил оммавий ахборот воситалари назарда тутилди. Истиқлол йилларида фуқаролик жамияти институтларини шакллантириш, уларнинг эмин-эркин фаолият юртиши учун зарур бўлган ҳуқуқий асослар яратилди.

Дарҳақиқат, фуқаролик жамиятининг шаклланиши ва ривожланиши, энг аввало, инсон ҳуқуқларини таъминлаш ва уларни қафолатлаш билан уйғун жараёндир. Инсон, унинг манфаатлари олий қадрият, деб тан олинган Ўзбекистонда бунинг аҳамияти ниҳоятда катта. Зеро, Ўртбошимизнинг табири билан айтганда, "Ислохот ислохот учун эмас, авваламбор, инсон учун"дир.

Бу тамойил юртимизда инсон манфаатларининг улуғлинига қаратилган ислохотлар мазмун-моҳиятида ўз аксини топган. Буларнинг барчаси ҳар биримиздан жамият равнақи йўлида амалга оширилаётган ўзгаришларга лоқайд бўлмасдан, фаол фуқаролик позицияси асосида ёндашишимизни талаб этади. Айни пайтда давлат идоралари раҳбарлари, турли даражадаги мансабдор шахсларнинг фуқаролик жамияти институтларига, унинг вакилларига бепасанд

лик билан қараш муносабатини бартафат этиш каби масалалар ҳам долзарб ҳисобланади.

Шу билан бир қаторда, фуқаролик жамияти институтлари ҳам етарли салоҳиятга эга бўлиши, мамлакатимиздаги туб ислохотларни амалга оширишда фаол иштирокчи, пешқадам бўлмоғи лозим. Президентимизнинг 2010 йил 12 ноябрдаги "Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси"да фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш бўйича устувор вазифалар белгиланган берилди. Чунончи, фуқаролик жамияти институтларининг янада ривожланишига эришиш, амалга ошираётган ислохотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самардорлигини таъминлашда, уларнинг ролини қучайтиришда "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги Қонун қабул қилиниши лозимлиги алоҳида таъкидланди. Бундай қонун, энг аввало, ижтимоий, иқтисодий гуманитар соҳаларда давлат идоралари билан бирга, фуқаролик жамияти институтларининг ўзаро ҳамкорлигини назарда тутди. Концепцияда илгари сурилган ташаббуслар фуқаролик жамияти институтлари фаолиятини янги босқичга кўтаришни, турли нодавлат нотижорат ташкилотлардан фаоллиқни, аниқ йўналтирилган мақсадли фаолиятни ташкиллаштиришни талаб қилмоқда. Нодавлат

ташкилотлар, фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фақат давлат қўмағига қараб қолмаслиги, қонунчиликда кўзда тутилган бошқа механизмлардан ҳам самарали фойдаланиши лозимдир. Бугун нодавлат нотижорат ташкилотлари иш фаолиятлари қўламини кенгайтиришлари, аҳолининг кенг қатламларига маъқул бўладиган инновацион гоялар, лойиҳалар устида иш олиб боришлари мақсадга мувофиқдир. "Ижтимоий шерикчилик тўғрисида"ги Қонун айнан шундай ташкилотларга имкониятлар эшигини кенг очиб беради.

Ўртбошимиз Концепцияда илгари сурган яна бир муҳим гоя "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонунни қабул қилиш зарурати. Маълумки, демократик ҳамда очик жамиятда давлат бошқаруви аҳолининг бевосита ва билвосита иштирокида амалга оширилади. Бу жамият ривожиди муҳим аҳамиятга эгадир. Зеро, шундагина фуқаролар мамлакатда қандай қарор ва дастурлар қабул қилинаётгани, уларнинг қай йўсинда бажарилаётганлиги, масъул ва мансабдор шахслар ўз вазифаларини нечоғли адо этаётганлигини очик-ойдин билиб бориши, керак бўлса, бу жараёнларга ўз муносабатларини билдириши мумкин бўлади. "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги Қонуннинг қабул қилиниши айнан шу

Алишер ОЧИЛОВ,
Сурхондарё вилоят прокурори ўринбосари

талабларга жавоб беради, албатта. Умуман, жамоатчилик назоратига оид қоида ва нормалар мамлакатимизнинг амалдаги 30 дан ортик қонунларида, шу жумладан, "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги, "Қасаба уюшмалари, уларнинг ҳуқуқлари ва фаолиятининг қафолатлари тўғрисида"ги, "Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунлар, шунингдек, соғлиқни сақлаш, экология оид бошқа қонун ҳужжатларида ўз аксини топган. Шу билан бирга, Концепцияда тақдиф этилган янги қонун давлат бошқаруви идоралари устидан самарали жамоатчилик назоратини ўрнатиш имконини беради. Бунинг учун, Президентимиз таъкидлаганидек, "Қонунда жамоатчилик назоратининг турлари, шакллари ва субъектларини, назорат предмети, уни амалга оширишнинг ҳуқуқий механизмларини, шунингдек, мазкур соҳада амалдаги қонун ҳужжатларини ижро этмагани учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлиги шартларини белгилаб қўйиш зарур". Пировардида юртимиз тараққиёти, ҳалқимизнинг ҳуқуқий ва сиёсий маданияти юксалишида муҳим аҳамият касб этади.

2012 йил 27 январь эрта билан муҳоши хабарни эшитган Когон шаҳри аҳолиси ларзага келди. Махтумқули кўчасидаги хонадонлардан биридан икки аёл билан ўсмир ёшидаги қизча-нинг жасадлари топилиди. Воқеа жойига ўз вақтида етиб келган тезкор-тергов гуруҳи томонидан аниқ режа асосида олиб бориладиган саъй-ҳаракатлар натижасида мазкур қотиллик жинояти саноқли қуналарда фош этилди.

Бухоро вилоятида туғилиб-ўсган Сожида (исм-фамилиялар ўзгартирилган) Мансур билан танишгандан кейин, кўп ўтмай ўрталарида қандайдир муносабат пайдо бўлгандек бўлди-ю, аммо буни асло муҳаббат, деб бўлмасди. Аниқроғи, Мансурнинг қизга бўлган муносабатини. Нима учун бундай деганимизни эса қуйида изохлаб ўтамиз.

Хуллас, икки ёш учрашиб, охир-оқибат бир-бирларига муҳаббат изхор этадиган палла яқинлашган пайтда тақдир уларни бир-биридан ажратиб юборди. Сожида қўшни туманга келин бўлиб тушди. Шундай бўлса-да, алоқаларини ўзишмади. Баъзан учрашиб, баъзида эса телефонда бўлса ҳам суҳбатлашиб туришди. Афсуски, Сожиданинг ана шу "садоқати" кейинчалик ўзида жуда ҳам қимматга тушди. Агар у шундай бўлишини ўшанда билганидими?

Онасиникига навбатдаги келишида улар унинг қизлик уйи яқинида учрашди. Сожида гап орасида яқинида тутилган қўшни эканлигини, аксига олиб отаси ҳам Россияга ишлаш учун кетганини айтган ҳам эди, ўша заҳоти Мансурнинг қўнглига шайтон кўл солди. Бундан беҳабар қиз бемалол илгани тушириб, дарвозани очди. Мансур унинг қўлигагина ишларига қараб турган экан, тўсатдан миясига келган фикр тинчлик бермай, "Отанг Россиядан пул юбориб турадими?" деб сўрашдан ўзини тия олмади. "Ха", деган жавобни эшитди-ю, қўнгли хотиржам тортиди. Анчадан кейин қиз уни қузатар экан, Мансур дарвоза қандай қилиб очилишини яна бир бор кўриб олди...

Марғуба ошхонада ошпаз бўлиб ишлайдиган онасига қўшни билан ёрдам бергач, соат 17:00ларда ишни тугаллаб, кўчага чиқди.

— Болам, Ҳамида холанг машинасини устага қўрсатмоқчи экан. Менга ҳам бирга борсанг, деб илтимос қилганди. Сен уйга кетавер, мен ўша ерга борай...

Ҳамида хола онасининг ёшиқандан бирга катта бўлган дугонаси бўлиб, улар айни пайтда бир жойда ишлашар эди. Орадан икки соатча вақт ўтиб, Марғубанинг онаси уйга кириб келди-да, қизига ўша дугонасиникида ётиб қолганини айтиб, эрта билан ўша ерга боришни, ишга бирга кетишлигини таъинлади. Марғуба онасини қузатиб қўйгач, уй ишларига ун-наб кетди.

Эртаси қўшни соат 8:00ларда онасининг гапи билан Ҳамида онасиникига йўл олган Марғуба, у ерга етиб боргач, ҳовли эшиги очилигини кўриб, аябдан бўлди. Аввал онасини, кейин Ҳамида холанинг исмларини айтиб қақирди, аммо ҳеч ким жавоб қайтармади. Энди ҳайронлик ўрнини хавотир эгаллади-ю, жон ҳолатда уй ичкари-сига югурди.

Эшикдан ичкарига кирди-ю, қўрқувдан қотди-қолди. Ерга солинган тўшакда ерга қараганча ётган онаси, унинг ёнида эса бошини деворга тираб, узала тушган ҳамма ёни қўнмида холасидан қўзларини узоқлас, аъзойи бадани дағ-дағ титраб, оёқ-қўли ўзига бўйсунмай қўйган эди. Шундай бўлса-да, ўзини бир амаллаб қўлга олиб,

онаси томон отилди.

— Ойижон, сизга нима бўлди? Ўрнингиздан туринг, — дея елкасидан ушлаб ўзи томон ўтирган эди, онасининг қон бўлиб ётган томоғини кўриб, яна даҳшатга тушди. Кўрган нарсалари худди тушида бўлаётгандек, каловланганча қўшни хона томон юрди. Не кўз билан кўрсинки, бу ердаги манзара олдингиларидан қўлишмас эди. Ҳамида холасининг кичкина қизи ўзининг қаравоти ёнида яланғоч ҳолда, қонга беланиб ётарди.

Марғуба дод солганча, ташқарига отилди. Эрта билан уйда хотиржам ўтирган қўшни хонадон эгалари дабдурустдан йиллаганча кириб келган, ранги доқадек оппоқ қўшни кўриб, анқайиб қолди. Марғуба йўғи аралаш, тутила-тутула ҳозиргина кўрганларини гапириб берди. Оила аъзолари у гапини тутатиб бўлмасиданоқ, Ҳамида онанинг уйига югуришди. Кимдир милицияга хабар беришга ошди...

Сожиданинг тўйи бўлиб ўтганидан буён бир ойга яқин вақт ўтди. Кечки пайт Мансур Когон шаҳридаги компьютер ўйинлари хонасида танишлари Носир ва Камоллар билан ўйин ўйнаб ўтирганида Сожидани эслаб қолди-ю, уларни ташқарига бошлади.

— Сожини биласанлар-а?! Нахотки танимасаларинг, мен билан учрашиб юрадиган қиз бор-ку, ўша. Бошқасига тегиб кетди. Турмушга қиқча, эриникида яшашпти. Уйда онаси билан синглиси қолган. Отаси Россияга ишлашга кетган экан. Ўзининг айтишича, отаси пул жўнатиб турганимиш. Нима дейсанлар, уникига кириб, пуллари-ни олиб қимқаймизми?

— Пули кўп эканими?

— Тахминан 5 мингга яқин долларли бўлиши керак. Хўш нима дейсанлар?

— Яхши, пули бор экан, ишондик. Аммо у ерга қандай қилиб қирамиз? Бу ёғини ўйлаб кўрдангми? — сўради Носир.

— Э-э, — қўлини беларво силтади Мансур. — У томонидан хавотир олмадиларинг, дарвозани ўзим очаман.

— Агар уйда пул бўлмаса-чи?

— Яна савол ташлади Носир.

— Ўв, ўша уйда пул борлигига мен гарантия бераман. Агар қўнмида бўлмаса, сўмда 10 миллионга яқин пули борлигини аниқ...

Орадан бир неча кун ўтгач, учовлон яна учрашишганда, Мансур уларга алланималар чизилган қўғозни кўрсатди.

— Мана бу ўша уйнинг лойиҳаси, — у шундай дея уйга кириш йўлагини, хоналарнинг жойлашшини бирма-бир тушуни-тира бошлади. Бироқ гапини тутатиб улгурмасидан Носир шунча оворасарчиликнинг эвазига пул ростдан ҳам борми, деб сўраган эди, Мансур тутатди кетди. Шундай бўлса-да, ўзини босиб, уларни ўзи билан боришга бир амаллаб кўндрди.

— Айтганча, ҳар эҳтимолга қарши пичоқ билан болта тайёрлаб қўйибман. Булар билан қўқиртиб, пулларини оламиз. Кейин қалпоқдан ниқоб ясаб, бир танишимникида қолдирганман, — хайрлашиш олдидан эсига тушиб қолди Мансурнинг. — Сенлар ҳам бирорта нарсани ол-волларинг. Ичкарида нима бўли-



Қабоҳат

Олимхўжа НАБИЕВ,
Бош прокуратура бошқарма
бошлиғи

шини билиб бўладими... Бўпти, келаси ҳафта кечки пайт шу ерда учрашамиз.

Айтилган қўнми келишилган вақтда яна учрашди. Соат 20:30ларча компьютер ўйнаб, кейин ташқарига чиқди. Мансур шерикларини болалар боғчаси ёнида қолдириб, ўзи тайёрлаб қўйган нарсаларини олиш учун танишининг уйига равона бўлди. Кўп ўтмай қўлида сумка билан пайдо бўлди-да, уларни бир четга бошлади. Хилват жойга келишгач, сумкадан болта, пичоқ, ниқобни кўрсатиб, кейин қўлқопларни олиб, қийишни буюрди.

— Қўлқоплар бармоқ излари қолмаслиги учун, — шерикларига таъкидлаб аломатлари зоҳир юзларини кўрган Мансур изох бермоқчи бўлди. — Ниқоб менга, онаси мени бир-икки кўрган, таниб қолмаслиги учун. Сенларга керак эмас...

Сўнгра темир йўл орқали анча йўлни пиёда босиди.

Ниҳоят, қўзланган манзилга — Мансур айтган уйдан тўрт-беш хонадон нарига келиб тўхташди. Хона чироқлари ўчик эди. Мансур уларга кераклик уйини имо билан кўрсатди-да, бехос жиринглаб, ишнинг белига тепмаслиги учун телефонларини ўчириб қўйишни буюрди. Унинг айтгани бажарилгач, яна бироз кўтиб туришди ва ишни бошлаш вақти келганлигини ўзларича ҳис қилиб, уй томон юришди. Дарвозага яқинлашгани билан Мансур олдинга ўтиб, дарвозанинг бир табақасини секин итарди-да, ҳосил бўлган тирқишдан қўлини узатиб, илганини бўшатди. Дарвоза шу заҳоти очилди. Учовлон бирин-кетин ҳовлига киришди.

Ҳовлига қараган биринчи деразадан ичкарига мўралаб, бир аёлнинг ухlab ётгани, иккинчисининг эса телефонда гаплашаётганлигига кўзлари тушди.

Тўсатдан Мансурнинг пичирлаган овози эшитилди:

— Ичкарида ухlab ётган аёл-ни танимайман. Бегона. Телефонда гаплашаётгани шу ерда яшайди. Қизик, кичкина қизча қаерда экан-а?

У гапини тутатиб бўлмай туриб, телефонда суҳбатлашаётган аёлнинг баланд овоз билан: "қўтиб тур, ҳозир бориб, олиб келаман", дегани эшитилди-ю, унинг тезда қиқиб келишини билиб, ҳовлининг нариги, қоронғу томонида қопиб ўтишди. Дарҳақиқат, кўп ўтмай ичкаридан бир аёл қиқиб келди-да, дарвозахонада турган "Жигули" машинасига ўтириб, кўчага чиқиб кетди. Дарвозанинг очик қолганидан унинг тезда қайти-шини сезиб, шу ерда жимгина қутишга қарор қилди.

Ҳақиқатан ҳам, орадан ярим соатча вақт ўтиб, аввал автома-шинанинг овози эшитилди,

кейин машинанинг чироғи кўринди ва шу заҳоти очик дарвозадан "Жигули" қайтиб кириб келди. Машинадан аёл билан ўсмир ёшидаги қизча тушиб, дарвозани ёпишгач, уйга кириб кетишди.

— Сабр қилинлар, яна озроқ кутамиз.

Гарчи қиш чилласи бўлса-да, уй эгаларининг уйқоғлиги туфайли вақт ўтказишини қийинлиги боис, босқинчилар совуқни деярли сезишмас, аниқроғи, этлари совуқдан жунжи-са-да, буни ҳис қилмай, қўли хажон таъсирида дағ-дағ титрашар, тезроқ ишни битказишни ўйлашарди. Шу заҳоти орадан яна ярим соатча вақт ўтди.

Бу орада Мансур сумкасидан болта олиб Носирга берди. Пичоқни эса Камолга тутқазди. Ўзи ниқобни кийиб олгач, унинг ишораси билан яширинган жойларидан қиқиб, уйнинг кириш эшигига ёнига келишди. Яна дераза орқали ичкарини кузатишди. Қарашса, ҳалиги қизча хонанинг бир бурчагида қўнмишга таралдуд кўрмоқда. Аёллар бўлса, аллақачон ухлаш-га ётишибди. Ичкарига кириш олдидан ким нима қилишини келишиб олишди. Унга кўра, Носир болта билан тўрда ётган аёлга, Камол пичоқ билан иккинчи аёлга ҳужум қилишлари керак эди. Мансур ўзига қизча-ни таллади.

Хуллас, эшикни Мансур очи-ши билан Носир болта ўқтал-ганча ичкарига отилди. Кетидан қўлида пичоқ тутган Камол, унинг ортидан Мансур ҳам югу-ришди. Ширин уйқуда ётган аёл-лар шовқиндан уйғониб, ўзлари-га келгунча, болта қўтариб, пичоқ ушлаган босқинчилар уларнинг тепасида пайдо бўлишди. Аёллардан бири энди бақирмоқчи эди, Носир болта билан унга пулпаса қилди:

— Учир овозингни. Додла-санг, ўлдираман.

Бояқиллар нима бўлаётганини тушунай, кўрпага ўралганча жим бўлишди. Носир ўша заҳоти уларнинг телефонини сўраб олди-да, ичини очиб, сим картасини печкага ташлаб юборди-да, шерикларига юз-ланди: "Энди ҳеч қандай теле-фон қила олишмайди. Эҳтиёт-ни қилган яхши". Бу пайтда юзига ниқоб қийган Мансур шу атрофдан топган қайчини қиз-чанинг бўйнига тираганча турар-кан, Носирга тез бул, дегандек имо қилди. Буни кўрган Носир болтани уй бекасига ўқталар экан, тезда пуллари беришни талаб қила бошлади. Аёлнинг оғзиндан "пулимиз йўқ", деган жавоб чиқди-ю, ўша ондаёқ бо-шига болтанинг орқа томони билан берилган зарба тушди. У

огрикнинг зўридан "ох" дея, қал-қиб, деворга сўяниб қолди.

Носир унинг аҳолига парво қилмай, яна пул сўрашга тушар экан, тўсатдан Мансур ушлаб турган қиз томонга қаради-да, "агар пулинг қаердалигини айт-масанг, ҳозир қизингни ўлдира-ман", деб дағдаға қилишга туш-ди. Бу гапни эшитган она зум-да ўзини-ю, бошидаги огрикни ҳам унутгандек бўлди, жон ҳолатда "пул ана, қийим илгич-даги пакетни ичида, фақат қизимни ўлдирманлар, илти-мос", дея ялина бошлади. Ка-мол вақтни ўтказмай, у айтган жойдан пакетни олиб, палос устига бўшатди. Қарашса, бир неча пачка 200 сўмликлар экан. Буни кўриб, Носирнинг авзойи бузилди. Болтани боши узра қўтарар экан:

— Одамни аҳмоқ қилаяпсан-ми? Қолган пуллари-ни қани? — деди жажл билан.

— Бори шу, бошқа пулимиз йўқ, — зўрға жавоб қайтарди аёл.

— Ундай бўлса, тилларинг-ни еч, — буюрди Носир.

Аёл унинг буйруғини сўзсиз бажарди. Қулоғидан зираниги ечиб, узатар экан, Камол ундан тақинчоқни олиб, пул солинган пакетга солиб қўйди. Кейин Мансурга "энди нима қилай?" дегандек қараган эди, у боши билан қўшни хонага ишора қилди. Камол унинг "бошқа жой-ларни ҳам қара" деяётганини тушуниб, ўша томон йўналди. Бироқ, ҳар қанча қидирмасин, ҳеч нарсани тополмади.

Унинг қўруқ қайтганини кўрган Носир яна аёлга юзла-ниб, пуллари қаердалигини сўра-ди. "Бошқа пулимиз йўқ. Агар хоҳласанлар, ана, машинами олиб кетинлар", деган жавоб-ни эшитгач, "яна алдаясан", деди-да, ўзини бошқаролмай, аёлнинг бошига болта билан туширди. Бу зарбдан боқийи аёлнинг пешонасидан қон кўр-инди, ҳушини йўқотди. Иккинчи аёл дугонасининг аҳолини кўриб, беихтиёр унга ёрдам бе-риш учун ўрнидан қўзғалди-ю, шу заҳоти Камолнинг қўлидаги пичоқ тийига дуч келди. У бўйни-ни ушлаганча йиқилар экан, Ка-мол тўри келган жойига кетма-кет пичоқ урди. Буни кўрган Но-сир, "шеригимдан кам жойим борми", дегандек қилиб, болта билан бекага икки-уч марта зар-ба берди-да, сўнгра Камолнинг қўлидан пичоқни олиб, ҳар ик-кала аёлга яна бир неча марта санчиб олди.

Шундан кейин қизчага навбат келди. Вақтни ўтказмай, ишга киришдилар. Зумда пичоқ тийи-дан анчагина жароҳат олган қизча ҳам онаси ва унинг дуго-насидек ниҳоят қўрбонига ай-ланди...

Маълум бўлишича, воқеа жойидан ҳаммаси бўлиб, 1 млн. 97 минг 400 сўмлик мол-мулк олиб чиқиб кетилган экан. Чет-дан қараганда, бу каттагина пул. Аммо бу не бедодликки, у қишининг ҳаёти ана шу миқ-дордаги пулчаллик бўлмаса? Ўшбу фожианинг одамни ҳай-рон қолдирадиган яна бир жи-ҳати, босқинчиларнинг ёши. Носир Хидиров 1989 йилда, Камол Жўраев 1990 йилда ту-тилган бўлса, Мансур Махмудов 1994 йилда таваллуд топган. Энди қатта ҳаётга қадам қўйган йигитчалар бунчалар ваҳший-лигини қачон ва қимдан ме-рос қилиб олдилар экан? Мана энди бошлари эгик. Ёшлик қилибмиз, дея кечирим сўраб ўтиришибди. Афсуски, энди кеч, вақтни орқага қайтариб бўлмайди. Улар энди умрлари-нинг охиригача панжара орти-да афсус-надомат чекишга мажбурлар. Бу йўлни эса ўзла-ри танлашди.

Аёл қарамоғидаги наркочурьер



Катта ҳаёт бўсағасига қўйилган илк қадамиданоқ Илхом Ибадуллаев қаттиқ қоқилди. Содир этган ўта оғир жинояти учун ЖИБ Тошкент вилоят суди унга 15 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаганда Илхом эндигина 22 ёшни қаршилаш арасида эди. У тайинланган жазонинг маълум қисmini ўтаган, амнистия туфайли озодликка чиқди. Шифохонада даволанаётган Мунира билан танишиб қолмаганда, балки унинг ҳаёти ўз маромига тушиб олган бўлармиди, билмадик. Икки ўртада туғилган муҳаббат Илхомни батамом ўзига асир қилиб олади. Орадаги 9 ёш фарққа қарамай шу аёл билан шаръий никоҳ асосида турмуш қуради.

Мунира Тажикбаева билан Илхомнинг турмуши бир маромда кечаётган эди. Бироқ ҳар қандай йўл билан бўлса-да, кўпроқ пул топиш, ҳаммадан "ўзиб" яшаш истаги Илхомни ҳам, Мунирани ҳам тинч қўймади. Шу сабабли улар оқонуний равишда наркотик моддалар олди-сотдиси-га қўл урдилар.

Мунира Тожикистон фуқароси бўлмиш "Фахридин" билан танишди-ю, тинч бузилди. "Фахридин" тимсолида меҳрибон дўст, раҳнамон кўрган аёл унинг кўрсатмаларига қўлоқ қўймай амал қилишга, шу тариқа мўмайгина пул топиш йўлига ўтиб олди. Дастлаб 8 граммдан бошланган "героин" савдоси, аста-секин кўпайиб 30 граммга етди. Бу оғунинг миқдори ошган сайин Муниранинг чўнтаги қаппайиб бораверди. Бир қарада унинг вазифаси оддийгина эди. Ўзи яшаётган Бекобод шаҳридан Тошкент шаҳрига тез-тез қатнаб турса, кийимининг дуч келган жойига яшириб қўйган "мол"ни "Қўйлик" дехон бозорида кутиб ўтирган эгаларига етказиб берса, бас. Орқага бир талай пулларни кўтариб, бежавотир қайтаверарди. Бироқ унинг ҳар бир босган қадами "Фахридин" белгилаб берган режа асосида амалга оширилган. Мунира бу ишга Илхомни ҳам жалб қилади. Улар "Фахридин" телефон орқали берган хабари асосида "героин" гиёвандлик воситасини гоҳ Бекобод шаҳридаги автошоҳбекат ёнида жойлаштирилган "Билан" ёзувли баннер остида, гоҳ "Дехон" бозори атрофидаги бетон тўсиқ тағида, гоҳ катта тут дарахти тағида "топиб" олишаверган.

Эр-хотин оғуфрушларнинг навбатдаги "ови" бароридан келмади. Тожикистонлик раҳнаомларининг телефони орқали "уч қоробка олма"

М.ЖАМОЛОВ,
Сирдарё вилоят прокурорининг
катта ёрдамчиси

жўнатгани ҳақидаги хабарини олган заҳоти улар типирчилаб қолишди. Бозорлик қилиш баҳонасида атрофини яхшилаб қузатган Мунира ва Илхом ҳеч қандай хавфни сезишмади. Бетон тўсиқ ортидаги катта тут дарахти тағига қўмиб кетилган бир ўрам "героин"ни олишган, Мунира уни Илхомнинг чўнтагига тиқиб қўйди. Бамайлихотир йўлларида давом этишаётганида эр-хотин оғуфрушларни ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идора ходимлари тўхтатишди.

Ўзгаларнинг қулфати эвазига топилмаётган бойлик эр-хотин Илхом Ибадуллаев ва Мунира Тажикбаева-ларга ҳам буюрмади. Судда Илхомнинг чўнтагидан чиққан "героин" гиёвандлик воситасининг ўзига алоқаси йўқлиги, бу оғу хотини Мунирага тегишли эканлиги ҳақидаги баҳоналари ўтмади. Жиноят ишлари бўйича Сирдарё вилоят суди Илхом Ибадуллаевга ҳам, Мунира Тажикбаевага ҳам тайинланган жазоларни қисман қўйиш йўли билан 10 йил 6 ойдан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлади. "Нопокнинг топгани сувдек оқади" деганлари яна бир бор ўз исботини топди. Эр-хотиннинг ўн йилдан ортиқ умри панҳар ортида қўлмақдаги сув каби бугуналиб кетадиган бўлди.

Маъсуа, Ҳалима, Обидахонлар (исм-фамилиялар ўзгартирилди) ўзаро тортишиб қолишди. "Қаерга кетяпмиз, борар-турар жойимизнинг тайини бўлмас... Насима опани илгари кўрмаган, билмаган бўлмас..."

Ниҳоясига етмаган савдо

Тўлқинжон ҒОЗИЕВ,

Марғилон шаҳар прокурори ёрдамчиси

— Тожихон мен кафил деяпти-ку! — Маъсуманинг гапини бўлди Обида. — Эски таниш экан. Борди-келди киё туришаркан. Сизларга бирор йил ишлаб уйли-жойли бўлиб олинглар, деб яхшилик қилмоқчи-ю... Э, ўргилдим, бормасанг борма, ман ўзимам кетавераман Насима опа билан.

— Дубайда хору зор бўлган қизларни қўриб туриб, кетавераман дейсиз-а! Ана телевизорда ўз оғизлари билан айтишди-ю, қунига беш-олтигадан ноқасларга хур бўлиб, сариқ чақа ҳам ортирмалми, базур кўтулиб келишганини. Бизияни биронта қўшмачига пуллаб юборса, қўлдақа хоҳлаган қўйига солади ахир!

— Қозғистон араб амирликлари эмас. — Обида бир оз шаштидан тўшди-ю, ҳамон Насимахон вақда қилган "мукофот" дан умидвор бўлиб, яна эътироз билдирди. — Бир кадам жой, ёқмас, дарвор изимизга қайтаверамиз.

Тожихон таништириб қўйганидан кейин Насима Қозғистонда икки ой уйнаб-қўлиб юриб, беш минг доллар ишлади, дея Обидахонга мактанди. Тагин фоҳишалик билан шугулланиш учун қўшни мамлакатга йўл олди. Уша ерда туриб телефон қилди. "Сиз ҳам кам бўлмайсиз. Яна икки-учта қизлардан топинг. Ҳар биттасига 200 доллардан бераман". Обидахон унинг сўзларига чиппа-чин ишониб, Маъсуа билан Ҳалимани хорижда "мўмай пул ишлаб келишга" қизиқтириб қўйди. Насимага телефон қилди. "Қизларни топиб қўйдим, бироқ қарзга ботишган, йўлқира пуллари йўқ." Насима Қувага етиб келди. Қарзларини тўлаб, янги кийим-кечак олиб берди. Қизлар аввалига жон дейишаётган эди, энди эса...

— Синалмаган отнинг сиртидан тўсма деганлар. — Ҳалимахон ҳам тўшини тексириб кийиб олди. — Худо билди, ичиди нима борлигини. Ростдан бизни фоҳишахонага сотиб, ўзи қайтиб кетворса, бошимизга итти-қуни тушса... Йўқ мен ҳам бормайман.

— Қарзларини тўлаб, усти-бош олиб берди, ҳар биримизга икки-юз мингдан сарфлаб қўйди, осонликча, қўйиб юбормади, энди — деди Обидахон.

— Битта йўли бор — милицияга ариза берамиз. — Ҳалиманинг гапи билан ариза ёзиб, туман ИИБга топширишди.

Уларнинг аризаси бўйича Андижон вилояти Булоқбоши туманилик ўттиз ёшга кирган Насима Атоевага нисбатан ЖКнинг 135-моддаси, 2-қисмида кўзда тутилган қўлмиш, яъни одам савдоси бўйича жиноят иши қўзғатилди. Насима 2012 йил 10 апрель кўни 150 минг сўм йўлқира беришга келишиб, Ж.Ахоронга тегишли "Ласетти" машинасида уч нафар қизларни Қозғистонга олиб ўтиш мақсадида Тошкент шаҳрига олиб кетаётганида ИИБ ходимлари томонидан ушланди. Муносиб ҳулқ-атворда бўлиш ҳақида тилхат эҳтиёт чораси қўлланиб, тергов қилина бошланди. Тергов ниҳоясига етиб, иш судда қўрилди.

Н.Атоева турмушга чиққанидан кейин бир нафар фарзанд қўрган. Бироқ эру хотининг феъл-атвори бир-бирга турри келмаганидан ажрашган, никоҳлари бекор қилинган. Эрдан ажралган ёш аёл боласини ота-онасига топшириб қўйиб, шаҳарма-шаҳар "сайру саёат, айшу ишрат" қилиб юраверган. Ана шундай кезларда Қува туманилик Тожихон билан ҳам танишиб қолган. Қувага уни қўрган бораганида Обидахон билан танишиб, хорижда фоҳишалик қилиб, жарақ-жарақ пул ишлашган, дея мактаган. Унинг тақлифи билан Обидахон хорижда "ишлаш" учун икита қизларни топиб, йўлдан урган.

Н.Атоева суд мажлисида қизларни фоҳишалikka ёллаб, Қозғистондаги танишига пуллаб юбормоқчи бўлганини тан олди. Унинг айби ўзининг икромлигидан ташқари жабрланувчи ва ғувоҳларнинг кўрсатмалари билан тасдиқланди. Энг тубан қилмишлардан бири — одам савдоси жиноятини содир этган аёлга суд озодликдан маҳрум этиш жазосини тайинлади.

Телефон машмашаси

Дилмурод БАЙМЕТОВ,

Сергели туман прокурори ёрдамчиси



Тошкентдан Сеулга, Сеулдан Нью-Йоркка саёат қилган А.Қўрбановнинг сафар таассуротлари ўзига яраша эди. Катта шаҳарларда бўлиб, у ердаги қариндошлари, дўстларини кўрди. Кейин Нью-Йоркдан Сеулга қайтди. У ердан Сеулнинг йўналиши билан Ўзбекистонга келди. Аммо унинг бу "саёхати" ўзи кутгандай яқун топмади.

Нью-Йорк дўконларини айланиб юрар экан, ҳамюртимиз Ашуркул Қўрбанов ўзи режалаштириб юрган "бизнес ғоя"сини янада пухталаб олди. Кўрдикки, бу ерда уяли алоқа телефон аппаратлари анча арзон, Самарқандга олиб бориб, устамаси билан сотади-ган бўлса яхшигина фойда қуради.

Шуни ҳомчўт қилиб, биратўла 40 дон "Nokia-6275" уяли алоқа телефони сотиб олди. Турган гапки, дўкдор ҳам бундай кўтара савдо учун телефон нархини анча арзонлаштириб берди.

"Сеул-Тошкент" йўналиши бўйича Тошкент Халқаро аэропортига келган А.Қўрбанов, қўлда бўйича Т-6 шаклидаги божхона декларациясини тўлдиршига киришди. У божхона декларациясининг 6-банди, яъни товарлар

ҳақидаги маълумотлар бандида хориждан ўзи билан олиб келаётган 1 донга телевизор, 1 донга термос, 1 донга вентилятор, 2 донга ўйинчоқ, 2 донга кўйирчоқ, 2 донга муқаддам ишлатилган уяли телефон, 1 донга муқаддам ишлатилган ноутбук, 2 донга спорт кийими, 2 жуфт эркаклар туфлиси, 2 донга эркаклар куртки, 8 донга уяли телефон, 4 донга лап топ (IPOD Apple)ни ёзиб кўрсатди, аммо ўзига тегишли бағажда бўлган 40 донга "Nokia-6275" уяли алоқа телефонлари ҳақида ёзмай қўя қолди. У "Божхона назоратчилари бу ҳақда билишмайди, телефонларни юкарим орасида олиб ўтиб кетаман" деб ҳомхал қилган экан.

Унга тегишли бағаж ҳолислар иштирокида божхона кўригидан ўтказилганда декларацияда кўрсатилмаган, божхона ходимларининг оғзаки сўровида ҳам тақдим этилмаган 40 донга "Nokia-6275" уяли алоқа телефони (ҳар бир комплектада 1 донга қувватловчи қурилма, 1 донга эшитиш мосламаси ва бир донга қўти) борлиги маълум бўлган.

Божхона назоратидан яширинча республикамизга товар-моддий бойликларни олиб киришга ҳаракат қилган А.Қўрбановнинг саёхати шу тариқа яқун топди.

Жиноят ишлари бўйича Сергели туман суди томонидан А.Қўрбанов Жиноят кодексининг 182-моддаси 2-қисми "а" бандида кўрсатилган жиноятни содир этганиданга айбдор деб топилиб, унга энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдориди жарима жазоси тайинланди.

40 донга уяли телефон аппарати давлат эгалигига ўтказилди.

Вагон-ресторан «Сири»

Бунёд МАХМУДОВ,

СВОЖДЛҚ Департаментининг Сергели туман бўлими катта инспектори

млн.100 минг сўмлик товар-моддий бойликлар, жумладан, полиз махсулотлари, озиқ-овқат ва ноозиқ-овқат, қуруқ мева, яхна ичимликлар, пахта ёғи, қўкатлар, тамаки махсулотлари ва автомобил эҳтиёт қисмларини сотиб олиб, уларни ўзи директор бўлиб ишлайдиган вагон-ресторанга юклаб, вагоннинг ҳуфия жойларига жойлаштириб, яширинча Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасидан қўнуга хилоф равишда ўтказиб, Москва шаҳрига олиб бориб сотишни режалаштирган. Аммо у ўзининг ушбу жиноий ҳаракатларини ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда охирига етказа олмаган.

Суд мажлисида судланувчи М.Мирбабаев ўзи айбига тўлиқ икромлик билдириб, мунтазам равишда ўз хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда божхона назоратидан яшириб товар-моддий бойликларни қўнуга хилоф равишда олиб ўтиш ва уларни сотиш билан шугулланиб келганини, даст-

лабки пайларда "Қўйлик дехон бозори"дан асосан қўкатлар ва бодринг махсулотларини сотиб олиб, уларни Москва шаҳрига олиб бориб пуллаб келганини, кейинчалик эса товар-моддий бойликларни асосан Москвадаги "харидорлар" талабига қараб олиб боришини айтиб ўтган.

Шунингдек, М.Мирбабаев бундай ноқонуний фаолият билан бошқа шугулланмаслигини айтиб, суддан енгиллик беришни сўраган.

Суд ҳукми билан М.Мирбабаев қўнуний жазосини олди. У энди 2 йил муддат давомда мансабдорлик ва моддий жавобгарлик юклатилган лавозимларда ишлаш ҳуқуқидан маҳрум этилган ҳолда энг кам иш ҳақининг 350 баравари миқдориди жаримага тортилди.

Юқларини "ГАЗ-53" юк автомобилга ортнб юборган М.Мирбабаев енгил машинасида юкмашинанинг ортидан Шимолий вокзал тарафга йўл олди. Аммо ўзига хос бу "қарвон" манзилига етиб бормамди.

СВОЖДЛҚ Департаментининг Сергели туман бўлими ходимлари томонидан пойтахтимиздаги Янги Сергели қўчасидан Шимолий вокзал томонга ҳаракатланиб бораётган "ГАЗ-53" юк автомобили тўхтатилиб, унга юкланган 24 млн. 100 минг сўмлик товар-моддий бойликларга тегишли ҳужжатлар сўралганида, юк автомобилини қўзатиб келаётган М.Мирбабаев мазкур юқлар унга тегишли эканлигини тасдиқлайди. Бироқ улар учун ҳеч бир ҳужжат кўрсата олмади.

Қолганига дастлабки суриштирув давомиди аниқлик киритилди. Маълум бўлишича, 2009 йилдан буюн "Vagrest servis" ШКнинг "Тошкент-Москва" йўналиши бўйича вагон-ресторан директори лавомида ишлаб келаётган М.Мирбабаев пойтахт бозорларидан ўз шахсий маблағлари ҳисобига умумий қиймати 24

Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармаси тўғридан-тўғри музокаралар олиб бориш оммавий оферта йўли билан давлат активларини сотиш савдоларига таклиф этади!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 12 августдаги 233-сонли қарорига асосан сотилиши белгиланган Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳар, Насаф кўчаси 49-уй манзилида жойлашган "Қарши универсал улгуржи савдо базаси" масъулият чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улуши Вазирлар Маҳкамасининг 2009 йил 29 январдаги 27-сонли қарорининг 2-илоvasи билан тасдиқланган Низомга ва Давлат мулкни хорижий инвесторларга сотишда тендер савдоларини ўтказиш Давлат комиссиясининг 2011 йил 20 март куни тасдиқланган 1-сонли йиғилиш баёнига мувофиқ оммавий оферта савдосига чиқаришмоқда.

Сотиш учун таклиф қилинаётган давлат активининг тавсифи ва олди-сотиш шартномалари тузиш шартлари:

Жамиятнинг умумий ер майдони 28000,0 м², шундан бино ва иншоотлар ҳамда бошқа қурилмаларнинг умумий ва фойдаланган майдони 8588,7 м².

Жамиятнинг устав фонди 47 510 000 сўмини ташкил этиб, устав фондига нис-

батан 25 фоиз улушининг номинал қиймати 11 877 500 сўмини ташкил этади.

"Қарши универсал улгуржи савдо базаси" масъулият чекланган жамиятининг 25 фоиз давлат улушига 412 325 650 (тўрт юз ўн икки миллион уч юз йигирма беш минг олти юз эллик) сўмдан кам бўлмаган сотиб олиш баҳосини таклиф этиш.

Музокаралар ўтказиш санаси, вақти ва манзили: Музокаралар 2012 йилнинг 28 август куни соат 9:00 дан бошлаб Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳри, А.Темур кўчаси 43-уйда, Ўзбекистон Республикаси давлат мулкни бошқариш Давлат қўмитаси Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг мажлислар залида ўтказилади.

Талабгорларнинг таклифларини қабул қилиш санаси ва вақти: 2012 йил 27 июль кунидан (бир ой давомда хар ҳафта душанбадан жума кунига қадар соат 9:00 дан бошлаб 18:00 гача) 2012 йил 27 август куни соат 18:00 гача.

Оммавий оферта савдоларига қатнашиш учун савдо ташкилотчисига талабгор ёки унинг вакили эълонда белги-

ланган мuddатларда шахсан ўзи ёки почта орқали қуйидаги ҳужжатларни илова қилган ҳолда буюртманомани икки нусхада тақдим этади:

— юридик шахслар учун — давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисидаги гувоҳноманинг нусхаси, шунингдек тўлиқ ваколатли вакилнинг оммавий оферта савдосига қатнашиши учун қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, унинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— жисмоний шахслар учун — паспортнинг нусхаси, тўлиқ ваколатли вакил қатнашган тақдирда, шунингдек қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган, тўлиқ ваколатли вакилнинг шахсини тасдиқлайдиган ҳужжатнинг нусхаси илова қилинган ишончнома;

— Сотувчининг банк ҳисоб рақамига савдога қўйилган давлат активи бошлангич нархининг 15 фоизи миқдорида закалат тўланганлигини тасдиқлайдиган тўлов ҳужжатининг нусхаси;

— оммавий оферта савдоси ҳужжат-

ларига мувофиқ тузилган ва қуйидаги ларни ўз ичига оладиган икки нусхадаги оғзи ёпиштирилган конвертларга солинган талабгор таклифлари:

1. Сотиб олиш тўловларининг таклиф этилаётган суммаси ва уларни тўлаш мuddати;

— Тақдим этилган ҳужжатларнинг барча варақлари талабгорнинг муҳри ва имзоси билан тасдиқланган бўлиши керак.

Сотувчининг манзили: 180112, Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри А.Темур кўчаси 43-уй.

Алоқа телефонлари: (8375) 225-03-11, 225-02-48. факс: 225-02-51.

E-mail: gkikashkadarya@mail.ru

Маскур давлат активини савдога қўйилиши юзасидан аввалги берилган эълонлар бекор деб ҳисобланади.

Оммавий савдолар ўтказилиши жараёнида қонунбузилиш ва тамагирлик ҳолатлари ҳамда ноқонуний аралашувлар қузатилган ҳолларда Давлат мулки қўмитасининг (+99871) 259-21-78, 259-21-14 рақамларига мурожаат қилишнинг маълум қиламиз!

"K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалида бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган очик аукцион савдосига таклиф этади!

Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 19 июлдаги 126ау-ПО сонли буйруғига асосан, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тизимидаги Зоология институтига қарашли Тошкент шаҳар, Олмазор тумани, Кичик халқа йўли (Ниязов) кўчаси, 1-уй манзилида жойлашган, бошлангич баҳоси 7 317 811 400,0 сўм бўлган, Зоология институтига қарашли бино ва иншоотлари қўйилмоқда.

Давлат активини балансда сақловчи: Зоология институти.

Балансда сақловчининг ихтисослиги: Тадқиқот олиб бориш.

Зоология институти бино ва иншоотлари қуйидагилардан ташкил топан: Литер-0001 (Блок-А) Маъмурий бино. Литер-0002 (Блок-Б) Ёрдамчи бино, Литер-0003 (Блок-В) Маъмурий бино, Литер-0004 (Блок-Г) Қоровулхона биноси, Литер-0005 (Блок-Д) ҳужжатсиз қурилиш Гараж биноси.

Бино ва иншоотларнинг қурилиш майдони 8204 м², (36 кв.м. Б-блок кириш қисмидаги қозорок).

Бино ва иншоотларда газ таъминоти мавжуд эмас, бошқа коммуникация тармоқлари мавжуд. Аукцион

савдоси 2012 йил 28 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларини қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 27 август куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат активи 2012 йил 28 августдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 12, 19 ва 26 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати 12 сентябрдаги савдолар учун 11 сентябрь куни соат 18:00; 19 сентябрдаги савдолар учун 18 сентябрь куни соат 18:00; 26 сентябрдаги савдолар учун 25 сентябрь куни соат 18:00.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, давлат активи бошлангич баҳосининг 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиалининг ОАМТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўланади: 20208000204920609019, МФО:

01036, СТИР: 207122519.

Аукцион савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотиш шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотиш шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлинишни таъминлайди.

Аукцион савдолари Тошкент шаҳар, Мировоб тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уйнинг, бинонинг 3-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади.

Аукцион савдоларини ўтказилиши ва аукцион ҳужжатларини тўлириш билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Мировоб тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Тел: (8-371) 233-23-49.

Расмий сайтимиз: www.1kms.uz Электрон почта манзил: rieltssavdo@inbox.uz

«K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI» МЧЖ Тошкент шаҳар филиали очик танлов савдоларига таклиф этади!

Танлов савдосига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг 2012 йил 23 июлдаги 127к-ПО сонли буйруғига асосан, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг қуйидаги учта муниципал мулки «Объект»лари танлов савдоларига қўйилмоқда.

№	"Объект"ларнинг жойлашган манзили тавсифи ва номи	Давлат активини балансда сақловчининг номи, унинг фойдаси ихтисоси	"Объект"ларни бошлангич баҳоси (сўм)	Энг кам инвестиция миқдори	Тўланган лозим бўлган Закалат пули (сўм)	Танлов шартлари
1	Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир (Собик сувчи) дахаси, Чо Мен Хи кўчасида жойлашган майдони 9886,0 кв.м.гача тенг бўлган уч ва бир қаватли асосий бинолар ертўласи, ўтиш ва ёрдамчи бинолардан иборат бўлган қурилиш тугалланган поликлника биноси.	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Қурилиш ташкилоти.	1 049 271 287,00	1 049 271 286,0	157 390 693,05	— энг юқори сотиб олиш баҳосини таклиф этиш; — Қисқа мuddат ичида (кўпи билан 1,5 йил) қурилиш меъёрий қоидалари (КМК) талабларига мувофиқ қурилиш тугатиш ва бунинг учун зарур инвестиция киритиш; — "Объект" негизда ташкилот қилинадиган фазолат турини "Бизнес рес" асосида амалга ошириш; — Янги иш ўринлари ташкил этиш ва ҳудуд атрофини ободонлаштириш.
2	Тошкент шаҳри, Хамза тумани, Янгиобод дахаси, Шохсанам кўчасида жойлашган майдони 3600 кв.м.гача тенг бўлган қурилиш тугалланган 5 қаватли поликлника биноси.	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Ягона буюртмачи хизмати" инжиниринг компанияси. Қурилиш ташкилоти.	372 040 940,00	372 040 939,0	55 806 140,85	
3	Тошкент шаҳри, Мирзо Улугбек тумани, Кибрай кўчаси, 12-уй манзилида жойлашган майдони 1122 кв.м.гача тенг бўлган юқори қаватли ва ертўлали бино.	Тошкент шаҳар ҳокимияти "Бинолардан фойдаланиш департаменти", Маъмурий бино-иншоотларини маълумот базасини яратиб ва уни таъминлаштириш	398 840 320,00	622 559 680,0	59 826 048,00	

Танлов савдосида иштирок этиш этиш этиш билдирган талабгорлар белгиланган тартибда ҳужжатларни "K'O'CHMAS MULK SAVDO XIZMATI" МЧЖ Тошкент шаҳар филиали ("Савдо ташкилотчиси")га тақдим қиладилар. Давлат "Объект"ларининг бошлангич баҳосидан 15 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закалат пули закалат келишувига асосан "Савдо ташкилотчиси"нинг ОАМТБ "Ипак йўли" Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўланади: х/р: 20208000204920609019, МФО: 01036, СТИР: 207122519.

Танловда қатнашиш истагида бўлган талабгорлар танлов ташкилотчисидан танлов ҳужжатларини энг кам ойлик иш ҳақининг икки баробари миқдоридида тўлов звазига олади ушбу тўлов Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасининг қуйидаги ҳисоб рақамига ўтказилиши лозим: х/р 4010101860262737950100021001, СТИР: 200 950 435, ОКОНХ: 97400 Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги амалиёт бош бошқармаси, ҳисоб-рақами: 23402000300100001010, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бошқармаси Ҳисоб-қасса маркази, банки коди: 00014; СТИР: 201 122 919.

Танлов савдоси 2012 йил 4 сентябрь куни соат 11:00 да Давлат мулк қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси биносининг 3-қаватдаги мажлислар залида бўлиб ўтади. Савдоларда иштирок этиш учун талабгорлардан буюртманомалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 18:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати: 2012 йил 3 сентябрь куни соат 18:00.

Юқоридаги давлат Объектлар 2012 йил 4 сентябрдаги савдода сотилмаган тақ-

дирда, такрорий танлов савдолари 2012 йил 11, 18 ва 25 сентябрь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Буюртманомаларни қабул қилишнинг охири мuddати 11 сентябрдаги савдолар учун 10 сентябрь куни соат 18:00; 18 сентябрдаги савдолар учун 17 сентябрь куни соат 18:00; 25 сентябрдаги савдолар учун 24 сентябрь куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Танлов савдоси натижаларига кўра ғолиб чиққан иштирокчи 20 кун ичида сотувчи (Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси) билан олди-сотиш шартномаси расмийлаштириш мажбурияти юклатилади.

Танлов таклифлари тақдим этилган конвертларни очиб ва танлов савдосини ўтказиш 2012 йил 4 сентябрь куни Тошкент вақти билан соат 11:00да амалга оширилади. Таклифларни очиб вақтида ўрнатилган тартибда танловда қатнашаётган сармоядорлар ёки уларнинг ваколатли вакиллари иштирок этишлари мумкин.

Савдо ғолиби томонидан тўланган закалат ўтказилган савдо натижалари тўғрисидаги баённомада қайд этилган сотиб олиш тўлови суммасининг 15 фоиздан камни ташкил этса, савдо ғолиби давлат активининг олди-сотиш шартномаси тузилгунга қадар сотувчининг банк ҳисоб рақамига ёки закалат шартномага мувофиқ савдо ташкилотчисининг банк ҳисоб рақамига етишмаётган суммани тўлинишни таъминлайди.

Танлов ҳужжатларини олиш ва Танлов савдоларини ўтказилиши билан боғлиқ бўлган барча масалалар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг этиш сўраймиз: Тошкент шаҳар, Мировоб тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 16а-уй. Тел (факс): (8-371) 233-23-49. Расмий сайтимиз: www.1kms.uz . Электрон почта манзил: rieltssavdo@inbox.uz

"EFFECT REAL GROUP" МЧЖ бошлангич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибида ўтказиладиган аукцион савдоларига таклиф этади!

"Аукцион" савдоларига Фаргона вилоят "Матлуботсавдо" АК тугатиш комиссиясининг 2012 йил 23 июлдаги 255-сонли хатига асосан:

1. Фаргона вилоят "Матлуботсавдо" АКнинг Фурқат тумани "Омадли Инвест Тараққиёти" (собиқ Фурқат тумани "Матлуботсавдо") МЧЖдаги компаниянинг 31,55 фоиз улуши пайсотирилган қийматда такоран "аукцион" савдосига қўйилмоқда. **Улушнинг бошлангич баҳоси 229 816 235 сўм.**

2. Ўзбекистон туман "Нон" ишлаб чиқариш МЧЖдаги компаниянинг 25 фоиз улуши пайсотирилган қийматда такоран "аукцион" савдосига қўйилмоқда. **Улушнинг бошлангич баҳоси 38 865 137,7 сўм.**

"Аукцион" савдолари 2012 йил 24 август куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Талабгорлардан савдода қатнашиш учун аризалар 2012 йил 23 августгача хар куни (дам олиш ва байрам кунларидан ташқари) соат 18:00 гача қабул қилинади.

Мазкур улушлар 2012 йил 24 августдаги аукцион савдоларида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдолари 2012 йил 24 сентябрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтиши олдиндан маълум қилинади. Ҳамда такрорий савдолар учун аризаларнинг қабул қилишнинг охири мuddати 2012 йил 21 сентябрь куни соат 18:00 гача.

Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат ке-

лишувига асосан, улушнинг бошлангич баҳосини 10 фоизи миқдоридида закалат пулини тўлов ҳужжатида улушни номи кўрсатилган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" "Effect Real Group" МЧЖнинг рекевизитлари, ИНН: 302128329, МФО:00500, "Савдогарбанк" Фаргона вилоят бўлимидаги 20208000704943278001 ҳисоб рақамига тўлашлари керак.

Талабгорлар қизиқтирган барча савдолар бўйича қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин.

"EFFECT REAL GROUP" масъулият чекланган жамияти, Фаргона шаҳри, Аҳмад Фаргоний кўчаси 43-уй, 21-хона. Тел. + 99895 404 54 84. Лицензия RR 0094.



Ватан шарафни учун

Спорт

Эртага Англия пойтахти Лондон шаҳрида йилнинг энг нуфузли мусобақаси — XXX ёзги Олимпиада ўйинларининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтади. Дунё халқларининг халқаро спорт ўйинларида 204 давлатдан 16 минг нафарга яқин спортчи қатнашиши кутиляпти.

Мазкур мусобақалар иштирокчилари ва меҳмонлари учун Лондонда олимпиа шарафчаси бунёд этилди. 36 гектар майдонни эгаллаган олимпиа шарафчасида 11 та кўп қаватли турархона бинолари қад ростлади. Айни пайтда келиб мусобақаларда иштирок этадиган 204 та давлат делегациялари, шу жумладан, Ўзбекистон делегацияси аъзолари ҳам бу ерга келиб жойлашиб бўлишди. Кунинча шаҳарда давлатимиз байрогини тантанали равишда кўтариш маросими бўлиб ўтди.

Олимпиада ўйинларининг очилиш маросимида юртимиз байрогини кўтариб бориш икки қарра Осиё ўйинлари чемпиони, бокс бўйича жаҳон чемпионатининг кумуш медали совриндори Элшод Расу-

ловга ишониб топширилди. Умуман, мазкур ўйинларда мамлакатимиздан 55 нафар спортчи кураш, бокс, оғир атлетика, байдарка ва каноэда эшак эшиш, бадий гимнастика, дзюдо, таэквондо, теннис ва бошқа спорт турлари бўйича ватанимиз шарафини ҳимоя қилади. Таъкидлаш жоизки, спортчиларимиз мазкур ўйинларга ҳар томонлама пухта тайёргарлик кўришлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё қилинди. Бу борада Президентимизнинг 2009 йил 5 январда қабул қилинган "Ўзбекистон Республикаси спортчиларининг 2012 йил Лондон шаҳри (Буюк Британия)да бўлиб ўтадиган XXX ёзги Олимпиада ва XIV Паралимпиада ўйинларида иштирок этишга тайёргарлиги тўғрисида"ги Қарори

Бахтиёр НАЗАРОВ,
«Huquq»

асосида ишлаб чиқилган тайёргарлик дастури муҳим аҳамиятга эга бўлди. Уйлаймики, уч йиллик қилинган меҳнат Лондон спорт майдонларида ўзининг қувончли натижасини кўрсатади.

Олимпиада ўйинлари дастуридан жой олган футбол мусобақалари эса бугун бошланади. Нуфузли мусобақа 12 август кунини ниҳоясига етати. Барча спортчиларимизга олимпиадада зафар ёр бўлишини тилаб қоламиз.

Куйида Олимпиада ўйинларида Ватанимиз шарафини ҳимоя қиладиган спортчиларимиз рўйхати билан танишингиз мумкин.

1. Муроджон Холмуродов — велоспорт
2. Владислав Искандаров — велоспорт
3. Светлана Радзивил — енгил атлетика, баландликка сакраш
4. Елена Смолянова — енгил атлетика, ядро улоқтириш
5. Сухроб Хўжаев — енгил атлетика, босқон улоқтириш
6. Артём Дятлов — енгил атлетика, тўсиқлар оша югуриш
7. Вадим Меньков — байдарка ва каноэда эшак эшиш
8. Юлия Борзова — байдарка ва каноэда эшак эшиш
9. Ульяна Трофимова — бадий гимнастика, кўпкураш
10. Жасурбек Латипов — бокс — 52 кг
11. Орузбек Шайимов — бокс — 56 кг
12. Фазлиддин Гаипназаров — бокс — 60 кг
13. Уктамжон Раҳмонов — бокс — 64 кг
14. Аббосбек Атоев — бокс — 75 кг
15. Элшод Расулов — бокс — 81 кг
16. Анастасия Журавлёва — уч хатлаб сакраш
17. Александра Котлярова — уч хатлаб сакраш
18. Гўзал Хуббиева — уч хатлаб сакраш
19. Юлия Тарасова — уч хатлаб сакраш
20. Ришод Собиров — дзюдо — 60 кг
21. Мирзохид Фармонов — дзюдо — 66 кг
22. Наврўз Жўрақобиллов — дзюдо — 73 кг
23. Яхё Имомов — дзюдо — 81 кг
24. Дилшод Чориев — дзюдо — 90 кг
25. Рамазиддин Саидов — дзюдо — 100 кгча
26. Марина Сисоева — оғир атлетика — 48 кг
27. Руслан Макаров — оғир атлетика — 56 кг
28. Баҳром Мендибоев — оғир атлетика — 69 кг
29. Шерзоджон Юсупов — оғир атлетика — 85 кг
30. Руслан Нуридинов — оғир атлетика — 105 кг
31. Иван Ефремов — оғир атлетика — 105 кг
32. Акмал Эргашев — таэквондо — 80 кг
33. Дмитрий Ким — таэквондо — 68 кг
34. Наталья Маматова — таэквондо — 67 кг
35. Жамоавий спорт гимнастикаси
36. Юлдуз Кўчқорова — сузиш
37. Александр Дерлюгов — сузиш
38. Раънохон Аманова — сузиш
39. Данил Тулупов — сузиш
40. Дилшод Мансуров — эркин кураш — 55 кг
41. Ихтиёр Наврўзов — эркин кураш — 66 кг
42. Рашид Курбонов — эркин кураш — 74 кг
43. Заурбек Сохиев — эркин кураш — 84 кг
44. Курбон Курбонов — эркин кураш — 96 кг
45. Артур Таймазов — эркин кураш — 120 кг
46. Мўминжон Абдуллаев — юнрон-рум кураши — 120 кг
47. Елмурод Ташмуродов — юнрон-рум кураши
48. Руслан Кудоев — қиличбозлик, шпага
49. Екатерина Хилько — трамполин
50. Жамоавий ўқ отиш
51. Иван Зайцев — найза улоқтириш
52. Анастасия Щечникова — найза улоқтириш
53. Наталья Асанова — найза улоқтириш
54. Рифат Артиков — ўнкураш
55. Денис Истомин — теннис.

Юрдошларимизга яна бир бора омад деб қоламиз!

Эрматов «Олд Траффорд»да



Бир қадам қолган эди... Мана шу "бир қадам қолган эди" ибораси қанчадан-қанча ўзбек футболчи муҳлисларининг қалбига ҳамон оғрик бермоқда. Эртага Лондонда ёзги олимпиада ўйинлари старт олади. Агар ўша кунини Ўзбекистон олимпиада терма жамоаси БАА олимпиячилари устидан галаба қозона туриб, сўнггида мағлуб бўлишмаганда, бугун тунда олимпиячиларимизнинг XXX ёзги Олимпиада ўйинлари доирасида майдонга саф тортганига гувоҳ бўлардик. Афсус... Афсус ва надомат билан эсланадиган "ўша кунини" олимпиада терма жамоамиз деярли нақд бўлиб турган Лондон "Чиптаси"ни қўшқўлаб рақибга тутказиб юборишди.

Яхшиямки, Равшан Эрматов бор экан. Олимпиада ўйинларининг футбол баҳсларида футболчиларимиз иштирок этмасаларда майдонда ҳакамларимиз бўлишди. Равшан Эрматов бошчилигидаги ҳакамлар бригадаси (Абдулхалим Рахмонов ва Баҳодир Қўчқоров) "А" гуруҳидан ўрин олган Буюк Британия ва Сенегал терма жамоалари ўртасидаги ўйинни бошқариб борадиган бўлди.

Ушбу учрашув 26 июль кунини Тошкент вақти билан соат 23:55 да бошланади. Баҳс Манчестер шаҳридаги мухташам "Олд Траффорд" стадионида бўлиб ўтади.



МЮ ва «Bwin» ҳамкорлиги

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" жамоаси "Bwin" букмекерлик компанияси билан шартнома имзолади. Ҳозирда ушбу шартноманинг молиявий томонлари ошқор қилинмапти. Аммо "МЮ" ўзи ҳамкорлик қилган аввалги "Betfair" букмекерлик компаниясидан йилга 2.5 миллион доллар даромад кўргани маълум.

Шартнома шартларида кўра, "Bwin" компанияси Англиянинг 19 қарра чемпион жамоаси учун махсус махсуслотлар тайёрлаб беради. Бунинг эвазига эса, "Олд Траффорд" стадионидан реклама учун махсус жойга эга бўлади. Шунингдек, компания маркетинг мақсадларида "МЮ" клубининг номини ишлатиш ҳуқуқига эга бўлади.

Маълумот ўрнида шунини айтишимиз мумкинки, "Bwin" компанияси "Бавария" ҳамда "Реал" жамоаларига ҳам ҳомийлик қилади.

Бендтнер «Галатасарой»га ўтиши мумкин



Кейинги пайтда "Арсенал" клубини бир қатор футболчилар тарқ этди. Баъзилари бошқа кучлироқ жамоалардан ўз фаолиятини давом эттириш мақсадида клуб билан "орани очик қилган" бўлса, бошқаларининг хизматидан клубнинг ўзи фойдаланишини истамди. Эндиликда заҳира ўринидагида қолиб кетаётган клуб ҳужумчиси Никлас Бендтнер ҳам жамоани тарқ этишга яқин турибди. The Guardian нашри томонидан тарқатилган маълумотларга қараганда, футболчи ўз фаолиятини Туркиянинг "Галатасарой" жамоасида давом эттириши мумкин.

Айни пайтда Лондон клуби ва футболчи ўртасида музокара-лар ўтказилмоқда. Даниялик ҳужумчининг хизматларида шунингдек, "Малага" ва "Бенфика" клублари ҳам қизиқиш билдирган.

«Палермо» Аревало Риосни сотиб олди



"Тихуана" клуби вакили Эхидио Аревало Риос "Палермо" клубига кўчиб ўтди, деб хабар бермоқда Италия клуби расмий сайти. 29 ёшли уругвайлик футболчи Европада дебютини нишонлайди. Бунга қадар у "Пеньяроль", "Монтеррей" ва "Ботафого" клубларида тўп тегган. Риос Италия клуби билан уч йиллик шартнома тўзди. Футболчи эртага старт оладиган XXX ёзги Олимпиада ўйинларида Уругвай терма жамоасини сардор сифатида майдонга олиб тушади.

Спорт хабарларини Мақсудали КАМБАРОВ тайёрлади

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДЛКК Департаменти жамоаси Департамент бош инспектори Баҳри Умаровга фарзанди

Жаҳонгир УМАРОВнинг

бевақт вафот этганини муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Huquq
yuridik gazeta

Муассис:
Ўзбекистон Республикаси Бosh прокуратураси

Бosh muharrir:
Jahongir MAKSUMOV

Тahrir hay'ati:
Abbosxon SANGINOV Baxtiyor NAZAROV
Muxtor ZOIROV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Gulnoza RAHIMOVA
Yusupboy G'OIPOV (Shavkat YODGOROV
Svetlana ORTIQOVA (Mas'ul kotib)

Tahririyat manzili:
Toshkent shahri, Yahyo G'ulomov ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 233-98-40,
233-10-53
Faks: 233-10-53,
233-64-85

Gazeta haftaning payshanba kunlari chiqadi.
Sotuvda kelishilgan narxda

Tahririyatga kelgan qo'yozmalar taqdir qilinmaydi va egalarga qaytarilmaydi.
Mualif fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.
«HUQUQ» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.
□ — tijorat materiali.
Reklama materiallarining mazmuni uchun tahririyat javobgar emas.

Nashr ko'rsatkichi
231

Buyurtma J-5025. 47 029 nusxada bosildi.
Gazeta tahririyat kompyuter bazasida terildi va sahifalandi. «HUQUQ» original material.

Navbatchi muharrir: D.XALILOV
Musahhirlar: M.QAMBAROV
Navbatchi: O'.DEHQONOV

Bosmaxnonga topshirish vaqti: 22.00.
Topshirildi: 20.00 1 2 3 4 5 6 7 8 9

Gazeta «O'zbekiston» nashriyoti matbaa ijodiy uyida chop etildi.
Korxonalar manzili: Toshkent shahar, Alisher Navoiy ko'chasi, 30-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi matbuot va axborot agentligida 2009-yil 12-oktabrda 0188-raqam bilan ro'yxatga olingan.

ISSN 2010-7437

